БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 114 (1118)
8 ИЮНЬ ЯКШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИИИН

Георгий Дамяновга Ленин ордени топширилди

СОФИЯ, 7 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев кеча Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Тодор Живков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Ўртоқ Димитр Ганев ва СССРнинг Болгария Халқ Республикасидаги элчиси Ю. К. Приходов билан биргаликда Болгария Халқ мажлиси президиумининг раиси Ўртоқ Георгий Дамянов ҳузурида бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Георгий Дамяновга Ленин ордени топширди. Георгий Дамянов туғилган кунига 65 йил тўлганлиги муносабати билан ва болгар ҳамда совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш соҳасида кўп йиллар мобайнида ҳормай-толмай қилган ишлари учун СССР Олий Совети Президиуми томонидан Ленин ордени билан мукофотлантан эди. Н. С. Хрушчев ва Г. Дамянов самимий, дўстона суҳбатлашдилар.

Якунловчи машғулотларни уюшқоқлик билан ўтказайлик

Ҳозирги вақтда областимиз партия маорифи шохобчаларида ўқув йили тамомланиб, якунловчи машғулотлар бошланди. Якунловчи машғулотларни кўпгина партия органлари катта тайёргарлик кўрган ҳолда зўр уюшқоқлик билан кутиб олдилар.

Бу ўқув йилида областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида партия маорифининг кенг тармоғи вужудга келтирилди. Коммунистларнинг хилма-хил талаблари ҳисобга олиниб ташкил этилган тўгараклар, сиёсий мактаблар ва ўқишнинг бошқа турларида машғулотларнинг савияси бирмунча яхшиланди, ўқишлар турмуш билан, КПСС XX съезди қарорларида белгилаб берилган муайян амалий вазифалар билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилди.

Маълумки, бу ўқув йилида партия маорифи шохобчаларида СССР Олий Совети юбилей сессиясининг материалларини, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини, коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган Декларация ва Тинчлик Манифестини, партия ва ҳукуматимизнинг саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги усули, колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорларини ўрганишга катта ўрин берилди. Бу муҳим ҳужжатлар партия маорифи системасида қарийб 4 ой ўрганилди ва у коммунистлар ҳамда партиясиз активларнинг кенг қатлами ўртасида жуда катта қизиқиш ҳосил қилди. Асосий ўқиш программаси материалларини ўрганишга эса шу йилнинг март, апрель ойларидан бошлаб киришилди.

Кўпгина партия ташкилотлари жуда катта сиёсий-назарий аҳамиятга эга бўлган ана шу ҳужжатларни ўрганишнинг моҳиятига тўғри баҳо бериб, тўгарак машғулотларини намунали ташкил этдилар, коммунистлар ва партиясиз активларни марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш соҳасида анча иш қилдилар, уларнинг корхона, колхоз, совхоз ва МТСлар экономикасини чуқур, ижодий ўрганишга қизиқишларини бирмунча оширдилар.

Шу ўқув йилида областимизда ташкил этилган 3143 тўгарак, сиёсий мактаб ва семинарларда 74 мингга яқин коммунист ва партиясиз активлар ўқимоқда. Партия пропагандасига алоҳида эътибор берган шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари тўгарак ва семинар машғулотларининг юқори савияда, қизиқарли ўтишини таъминладилар, ўқишни ташкил қилиш ва унинг бориши устидан системали равишда контроллик қилиб турдилар, пропагандистларга конкрет, амалий ёрдам бериб бордилар.

Юқори Чирчиқ, Паркент, Қорасув ва Тошкент шаҳар Октябрь районларидаги кўпчилик партия ташкилотларида, Олмалиқ шаҳридаги Олтинтопган комбинати ва бошқа бир қатор партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган КПСС тарихи, саноат, қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўрганиш тўгараклари ва семинарларида машғулотлар юксак савияда олиб борилди. Юқори Чирчиқ ва Паркент район партия комитетлари асосий эътиборни пропагандист кадрлар танлаш, уларнинг маҳоратини, назарий маълумоти ва методик малакасини оширишга қаратдилар. Бу, машғулотларни юқори савияда ўтказишга эришиш имконини беради. Ҳозир бу районларда якунловчи машғулотлар пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилмоқда. Олтинтопган комбинати партия ташкилоти эса ўқишни йил давомида намунали ташкил этиш билан бирга тўгарак тингловчилари ва саноат конкрет экономикасини мустақил ўрганувчиларнинг якунловчи назарий конференциясини ўтказди. Унда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Бундай тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бераётир.

Аммо айрим партия ташкилотлари кадрларни марксча-ленинча назария билан қуроллантириш, уларнинг иқтисодий билимини ошириш масалалари билан етарли даражада шуғулланмаётирлар, тўгараклар ва сиёсий мактабларни хўжакўрсин учунгина ташкил этиб, машғулотларни юқори савияда ўтказишни таъминламадилар.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, Оққўрғон ва Бекобод районларида партия пропагандаси қониқарсиз йўлга қўйилган. Бекобод районидаги 1-МТС, 2-«Далварзин» совхози, Навоий номли, Карл Маркс номли колхозлар ва бошқа баъзи бир корхона, колхоз, совхоз ҳамда муассаса партия ташкилотлари ҳам партия маорифи шохобчаларини уюштириш ва унга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйиб келмоқдалар.

Партия маорифи шохобчаларида якунловчи машғулотлар бошланган ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг асосий вазифаси — йил давомида йўл қўйилган камчиликларни якунловчи машғулотларни ўтказиш даврида узил-кесил бартараф қилишдан, тўгарак ва семинарларда программанинг ўтилмай қолган темаларини якунловчи машғулотлар ҳисобига ўрганишни уюштиришдан иборат.

Якунловчи машғулотларда тингловчиларнинг бутун ўқув йили давомида олган билимлари аниқланади ва мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам якунловчи машғулотларни актив суҳбат методи ва ўқув плани бўйича ўтилган материалларни эркин, ижодий мунозара қилиш йўли билан ўтказиш ҳамда унга тингловчиларнинг тўла иштирок этишларини таъминлаш керак. Шу билан бирга марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганувчилар учун якундовчи назарий конференциялар ўтказишни, ҳар бир коммунист билан у ўрганган материалнинг актуал масалалари юзасидан суҳбатлар ўтказишни унутмаслик керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари якунловчи машғулотларнинг зўр уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашлари, пропагандистларга методик маслаҳатлар беришлари, улар учун лекция ва консультациялар уюштиришлари зарур. Шунга эришмоқ керакки, якунловчи машғулотлар ўтказиб бўлинганидан кейин бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, район ва шаҳар партия комитетларининг ходимлари иштироки билан тўгарак, сиёсий мактаб ва семинарларнинг тингловчилари, назарияни мустақил ўрганган коммунистларнинг йиғилишлари ўтказилсин, бу йиғилишларда ўқув йили якуни муҳокама қилинсин ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш тадбирлари белгилаб чиқилсин.

Тўгарак, сиёсий мактаб ва семинарларда машғулотларнинг юқори савияда ўтиши пропагандист кадрларга ҳартарафлама боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ёз даврида область ва шаҳар партия комитетлари ҳузурида ташкил этиладиган курсларга назарий ва методик тайёргарлиги бўлмаган, лекин пропагандистлик ишини севадиган қандидатларни танлашга ҳозирданоқ киришиш, шу билан бир қаторда келгуси йили ўқишнинг қайси формасини танлашларини аниқлаш мақсадида коммунистлар билан суҳбатлар ўтказиш зарур. Бу масалада асосий эътибор КПСС тарихи, философия ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўрганиш лозимлигига қаратилиши керак.

Якунловчи машғулотларни уюшқоқлик билан юксак савияда ўтказиб, ўқув йилини муваффақиятли якунлашга эришайлик.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҚЕНГАШИ

Тошкентда мактаб-интернатларда таълим-тарбия ишлари масалалари юзасидан республика кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашни Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва педагогика фанлари илмий текшириш институти уюштирди.

Кенгашнинг ишларида Ўзбекистондаги мактаб-интернатларнинг директорлари, мудирлари, тарбиячилари, ўқитувчилари, пионер вожатийлари қатнашдилар. Улар бир қанча темаларда доклад тингладилар ва бу докладларни муҳокама қилдилар, таълим-тарбия соҳасида ва ўқувчилар ўртасида мактабдан ташқари олиб бориладиган ишлар соҳасида, мактаб-интернатларда политехника таълими ва болаларни эстетик тарбиялаш соҳасида тўпланган тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Кенгаш икки кун давом этди.

(ЎзТАГ).

Калинин район пиллачиларининг ғалабаси

КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошира борган ва КПСС Марказий Комитети пленумининг қарорларидан руҳланган Калинин районининг колхозчилари давлатга пилла топшириш планини муваффақиятли бажардилар. Шу йилнинг 7 июнига қадар 44 минг килограмм ўрнига давлатга 44 минг 87 килограмм пилла топширилиб, план ортиги билан бажарилди.

Район колхозчилари давлатга 47250 килограмм пилла топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажариш учун курашаётирлар.

Барча куч ва воситалар ғўза парвариши суръатини кучайтиришга тўла сафарбар этилсин!



Жонқул ЕРИҚУЛОВ —

Бекобод районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ Кенгаши қатнашчиси. У бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган.

М. Шевелев фотоси.

Ғўзанинг иккинчи парвариши тугалланаётир

Оржоникидзе районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил ўтган йилдагига нисбатан пахта ҳосилини янада ошириш мақсадида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирмоқдалар. Колхозда аввало тўла гектар учун курашилди, ола чиққан қатор ораларига қўшимча чигит экилиб, ғўза туплари нормал қалинликда бўлишига эришилди.

Шу кеча-кундузда эса ғўзанинг иккинчи культивацияси қизғин давом эттирилмоқда. Техникадан, айниқса от-уловлардан тўла ва унумли фойдаланилаётганлиги сабаби шу кунгача 70 процентдан ортиқроқ ердаги ғўза иккинчи марта сифатли культивациядан чиқарилди. 369 гектар ердаги ғўза от-улов кучи билан культивация қилинганлиги қувонарли бир ҳолдир.

Пахтакорлар ғўзаларни агротехника белгилаган муддатларда озиқлантириш ва суғориш ишларига ҳам катта эътибор бераётирлар. Лозим топилган карталарда чуқур чопиқ ўтказилмоқда. Бу соҳада, айниқса, Ўртоқ А. Юнусов бошлиқ бригада аъзолари яхши натижаларга эришаётирлар. Улар бу йил 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу ваъдларининг уддасидан чиқиш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб, бригадаларо социалистик мусобақада олдинда бораётирлар. Бригаданинг моҳир механизатори Ўртоқ О. Турсунқулов ҳар куни 9-10 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиш билан бир вақтда озиқлантирмоқда. Р. Усмонова, Н. Абдумўминова, М. Пирматова, У. Қаршибоева, Ж. Мирзабеков Ўртоқлар ғўзаларни чуқур чопиқ қилишда, И. Сотиболдиев, А. Усмонов Ўртоқлар суғоришда астойдил меҳнат қилиб, юқори ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

У. НИЁЗОВ,
М. БОЛТАБОЕВ.

Миришкор сувчилар

Ғўзаларни сифатли парвариш қилишда сувчиларнинг роли жуда катта. 2-«Далварзин» совхозининг Ўртоқ Н. Қодиров бошлиқ бригадаси ишчилари — Насритдин ота билан Йўлдош оталар бунга жуда яхши тушунадилар. Икки қария чорак асрдан бери сувчилик қилиб, бу соҳада бой тажриба орттирганлар.

Ҳозир бригадада сифатли культивация қилинган, озиқлантирилган ғўзаларни суғориш иши қизғин бошланиб кетди. Насритдин ота билан Йўлдош отанинг иши юришиб кетди. Улар ғўзаларнинг ҳолатига қараб, кечаси жилдиратиб суғориб ғўзаларнинг қониб сув ичишини таъминламоқдалар. Миришкор сувчилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан 7-8 кун ичида бригаданинг 85 гектар ердаги ғўзасини биринчи сувдан чиқаришди. Тажрибали сувчилар томонидан қондириб суғорилаётган яшил квадратлардаги ғўзалар яхши ривожланмоқда. Бригада ишчи ва механизаторлари кекса сувчилардан миннатдорлар.

Ё. ҲАСАНОВ.

☆ ☆ ☆

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ ГУЛИСТОН РАЙОНИДА

ҚАЧОНГАЧА ИЛҒОРЛАР ПАНОҲИДА ЮРАСИЗЛАР

Кузга борганда — сараги-сарак, пучаги-пучакка ажратилаётганда кўклам, ёзда кимнинг қандай ишлагани, ғўзасининг емини ўтга шерик қилган-қилмаганлиги, озиқлантиришни кечиктирганлиги, сувни вақтида қўймаганлиги, трактори унумсиз ишлаганлиги маълум бўлиб қолади. Негаки, 7-8 ой мобайнида бажарилган иш ҳисоб-китоб қилинади-да. Бугунги кунда ҳар бир киши — колхозчи ҳам, механизатор ҳам, раҳбарлар ҳам қилаётган ишларини чамалаб кўришлари, хирмон кўтарилганда ерга қараб қолмаслик учун шу пайтда тер тўкиш, бедор бўлиш, ғўзанинг ишловини жойига қўйиш учун белни маҳкам боғлаши керак.

Ҳа, пахта учун кураш айни авжида. Бу курашда бирор марта ҳам елкаси ерга тегмаган азаматлар вақтни зойи кетказмаслик ҳаракатида. Йўқ дейсизми, бир неча йилларидан бери кам ҳосил олаётган, қўшниси, юқори ҳосилли колхозлар паноҳида жон сақлаб келаётган хўжаликлар? Унутмаслик керак, бу йилги мажбурият қатъий, давлатга 500 минг тонна пахта етказиб беришдек улуғвор вазифани бажаришда бирор киши четда қолмаслиги керак.

Биз Гулистондаги қатор колхозларда ҳозирги аҳвол, ишнинг борили билан танишдик. Шунда кўпгина колхозларда каттадан-кичик бир тан-бир жон бўлиб ишлаётганини, ғўзаси ўтдан тозаланиб шонага кираётганини, айрим колхозларда эса, юз афсус, бировнинг ишига тамошабин бўлиб юрганларни, ғўзаси ўт босиб кетган бўлса ҳам жони ачимаётган, кўздаги ўлкан торозуни эсламаётган, бир туп ғўзанинг тагини юмшатишдан кўра том орқасида ишлашни афзал кўраётган шахсларни, шундай кишилар билан муроса қилиб келаётган раҳбарларни учратдик.

Бу галги мақоламизда Гулистон районидаги илғор колхозларда қилинаётган ишлар, аммо шу илғор тажриба кенг ёйилмаётганлиги, натижада қатор хўжаликларда дала ишларини сўръати пастлиги, қилинаётган ишнинг сифатсизлиги, жонқуяр раҳбарлардан ўрнак олмаётган юрагида ўти йўқ айрим раҳбарлар тўғрисида гап боради.

ҲОЗИР ИШИНГ СОЗ БЎЛМАСА, КУЗДА ПАХТАНГ ОЗ БЎЛАДИ

Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соибжон Назаров яқинда бригадирларнинг йиғилишида уларга:

— Ҳозир ишинг соз бўлмаса, кузда пахтанг оз бўлади, деб уқдирди ва ҳамма бригада бошлиқларидан ғўза парваришини кучайтириб юборишни талаб қилди.

Қаҳрамон раҳбарлик қилаётган катта хўжаликда ҳозирги пайтда шу шартга тўла амал қилиняпти. 1500 гектар ердаги ғўзанинг иккинчи парвариши тугалланай деб қолди. Культивация, чопиқ, озиқлантириш, суғориш, ҳашаротга қарши курашиш юзасидан белгиланган график бажарилмоқда.

Деҳқоннинг қандай ишлаётгани дала кўздан кечирилганда рўй-рост кўринади. Шу колхознинг айрим бригадаларида шонага кириб қолган ғўзаларни, поёнсиз пахта далаларида астойдил меҳнат қилаётган колхозчи ва механизаторларни, ҳашаротни батамом қириб ташлаш учун уватларга, пайкалларга, дарахтларга, қўча бўйларига заҳарли дори сепиб юрган химизаторларни, харна ёрдам берганимиз фойда деб ўғилқизнинг ёнида ишлаётган мўйсафидларни кўрдик.

Гулистонда Ленин номли колхоз сингари ғўза парваришини намунали уюштирган, Москвада бўлиб ўтган кенгашда берилган ваъдани амалда бажараётган колхозлар оз эмас. Ҳасан Турсунқулов раислик қилаётган Крупская номли, Эрмамат Тоғаев раҳбар бўлган Фрунзе номли колхозлардаги иш жуда яхши. Бундай илғор колхозлар районда яна ҳам кўп бўлганда эди, Гулистон ғўза парваришида ҳозиргидек орқада қолмаган бўларди. Қани энди «Москва», Калинин номли колхозларнинг раҳбарлари ҳам масъулиятни сезган ҳолда ишни ташкил этганларида эди, катта-катта майдонлари ғўзалар ўт ичида қолмаган бўларди. Биз шу колхозларда бўлганимизда аҳволни кўриб, қуйидагича хулосага келдик:

ЎТ БОСГАН ҒЎЗАЛАР ВА ПИНАКДАГИ РАҲБАРЛАР

«Москва» колхозига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Султонов раислик қилади. Раиси қаҳрамон бўлса ҳам, иши жойида эмас экан. Бу колхоз Ленин номли колхозга нисбатан анча оз — 560 гектар ерда пахта етиштиради. Шунга яраша техникаси, одами бор. Ленин номли колхозда бўлганидек бу ерда ҳам ишни яхшилаш учун имкониятлар кўп. Бироқ колхоз раиси Ўртоқ А. Султоновдан тортиб колхоз партия ташкилотининг секретари Х. Маматқулов, агроном Ирис Алиевгача бегамлик батқоғига ботиб қолишган. Нега бўлмаса, улар ўт босган ғўзаларни, сифатсиз қилинаётган культивацияни, сув қўллаб ётган далаларни кўришмайди?!

Шу кунгача колхоз ғўзаларини ҳар турли ҳашаротлар босиб ётган эди. Буни кўрган колхоз раҳбарлари, «қани энди кун исиса, ҳашарот ўзидан-ўзи йўқ бўлиб кетарди», деб орзу қилишган эди. Мана ҳаво жўнашиб, кун исиб кетди. Энди колхоз раҳбарларининг далага чиқишга юраги бетламаяпти, сабабки кун иссиқ. Далага чиқиб иссиқда юргандан кўра соя-салқинда оёқ узатиб, кўк чойни ичиб ётган яхши эмасми?!

Агар Султонов, Маматқулов, Алиев Ўртоқлар ҳозирги пайтда соя-салқинда жон сақласалар, даланинг бетини кўришга юраклари ботинолмаса — кузга борганда қолоқлар қаторидан жой олиб қоладилар, ана ишласа, биттаси бекор туради. Афтидан айрим универсалчилар колхоз раҳбарларидан «намуна» олишган бўлса керак, кун найза бўйи бўлиши билан ўзларини салқинга уришади. Колхознинг Қаршибой Маматов бошлиқ бригадасида бўлдик. Шу бригаданинг 70 гектар ердаги ғўзанинг энди 40 гектарчаси ўтдан тозаланибди. Бу ерда чигит 60х50 схемаси бўйича экилганига қарамай, икки томонлама культивация қилиш жуда сифатсиз ўтказилган. Бригада табелчиси Қудлус Бойгубеков тракторчилар ишини назорат қилмаганидек ғўзалар қай аҳволда чопиқ қилинаётганини ҳам текшириб кўрмаган. Шунинг учун иш жуда сифатсиз бажарилмоқда. Бригада бошлиғи Қ. Маматов колхоз раҳбарларининг бўшанглигидан фойдаланиб, иш суръатини жуда сусайтириб юборган, унинг ўзи далада камдан-кам кўринади.

«Москва» колхозидаги аҳволнинг худди ўзи қўшни Калинин номли колхозда ҳам учрайди. Ғўза парваришини ўтказишда «Москва» колхозининг раиси Султонов пластинканинг бир томонида қуйласа, иккинчи томонида Калинин номли колхоз раиси Мамажон Умаров ялла қилади. Бу колхозда ҳам далаларни ўт босиб ётибди, 25-30 гектарлаб пайкалларга чигит экилмай бўш қолиб кетган.

Калинин номли колхоз раҳбарлари, «Москва» колхози раҳбарларидан бир жиҳатдан «устун» турадилар. Қайси жиҳатдан денг, у ердаги раҳбарларнинг хотини, қариндош-уруғлари шу вақтгача битта меҳнат куни ишлаш уёқда турсин, дала бетини кўришмаган. Далага чиқаётган болали аёлларнинг унумли ишлаши учун ҳам шароит яратиб берилмаган. Боғчалар, яслилар ташкил этилмаган. Бунга колхозда пул ва галла авансларини ўз вақтида берилмаётганлигини қўшиб қўйсак зарар қилмайди.

Хўш, шу колхозларда аҳвол жуда ёмонлашиб қолибди, нима бу ерда МТС йўқми, уни раҳбарлари нима қилишаяпти, деган ҳақли савол туғилади. МТС бор, бўлганда ҳам бир эмас, иккита. 1- МТС директори Ашот Пагосян, 2- МТС директори Николай Книш Ўртоқлар аҳволдан хабардорлар. Лекин шунга қарамай, улар ўзгариш ясашни ўйламаётган бўлсалар керак. Афтидан МТС директорлари колхоз раисларини безовта қилиб, далага олиб чиққандан кўра улар билан саҳнада ёнбошлашиб, икки оғиз суҳбатлашиб ўтиришни афзал кўрсалар керак.

Биз Гулистон районидаги илғор колхозларни, шу билан бирга илғорлар паноҳида жон сақлаб келаётган қолоқ колхозларни кўриб, шулар тўғрисида бу мақолани ёздик.

Колхоз раҳбарлари, МТС директорлари тузата олмаган камчиликларни йўқотиш район раҳбарларининг кўлидан келса керак. Район партия комитетининг секретари Турсунмурод Умаров, район ижроия комитетининг раиси Акром Маҳмудхонов Ўртоқлар колхоз раҳбарларини ҳам, МТС директорларини ҳам далага олиб чиқишларига, содир бўлган камчиликларни уларга кўрсатиб бу камчиликларни тезроқ тугатиш учун барча тадбирларни кўришларига ишонамиз.

Акмал ПУЛАТ,
С. МАҲКАМОВ.



Мираҳмад ЮСУПОВ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У бошлиқ бригада 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда.

В. Салов фотоси.

Бу йил ҳосил мўл бўлади

— Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди колхоз раиси Ҳайдар Жумабоев, — шунга яраша ғўза парваришини сифатли ўтказиш учун курашяпмиз.

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг аъзолари ўтган йилги 346 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 31,6 центнердан ҳосил топширган эдилар. Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган мажбуриятнинг амалда бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлаган колхозчилар бу йил 400 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Колхознинг З. Эролов, Ш. Муллаев Ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳозирга қадар ғўза икки марта культивация ва чопиқ қилинди.

Колхозчилар ғўза парваришини сифатли ўтказиб, мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари тушган карталар дарҳол аниқланиб, ғўзага дори сепилаётир.

Т. Ҳайдаров.

* * *

Шу райондаги Т. Шевченко номли, Ильич номли ҳамда Мирзачўл районидаги Охунбобоев номли, «Ленинизм», «Коммуна» колхозларининг илғор бригадаларида ҳам мўл ҳосил учун кураш бирмунча яхши. Газетхонлардан О. Анваров, Қ. Тойлоқов, Б. Соибназаров, Ж. Хўжамуродов, Х. Хўжақулов, Ф. Нишонбоев, К. Аҳмедов Ўртоқларнинг бизга юборган хатлари ана шу колхозлар ишига бағишланган. Уларнинг ёзишича колхозчилар ғўзани культивация, чопиқ қилиш, озиқлантириш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бориб яхши натижаларга эришмоқдалар.

Илғорлардан намуна олиш керак

Мирзачўл районидаги Фрунзе номли колхознинг Омонбой Аҳмедов ва Жўрабой Эргашев Ўртоқлар бошлиқ бригадалари даласида ғўза жуда яхши ўсмоқда. Чунки бу ерда чигит сифатли ишланган ерларга экилган ва ундан кейинги ишлар белгиланган муддатларда ўтказилган эди. Ҳозиргача 85 гектар ердаги ғўза иккинчи культивация ва биринчи чопиқдан чиқарилди.

Мўл ҳосил етиштиришда пахтакорларга муносиб ёрдам кўрсатишга аҳд қилган илғор механизаторлардан Умар Мадатов, Баҳри Чакохидзе Ўртоқлар ҳар куни 10-12 гектар ердаги ғўзани сифатли культивациядан чиқармоқдалар.

Колхоздаги бошқа бригадаларнинг аъзолари ва механизаторлар улардан Ўрнак олишлари, ғўза парвариши суръатини ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари, ишнинг юқори сифатли бўлиши учун курашишлари, шундай қилиб ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиришлари керак.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Т. МУСЛИМОВ.

Икки дўст

БЕПАРВО РАИС: — Соғ-саломат бормисизлар?
БЕГОНА ЎТ: — Давлатингиз кўланкасида ўйнаб-кулиб юрибмиз

Н. Леушин чизган расм.

„Қимирлаган қир ошар“

Сирдарё районидаги «Ёш ленинчи» колхозида қариялардан иборат кичик бир звено ташкил қилиниб, уларга 8 гектар ер биркитиб қўйилган эди. Чоллар звеносининг аъзолари ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил етиштирамиз деб, чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказди, барча майдонларда ғўза туплари нормал қалинликда бўлишига эришилди. Шу кунларда Тўрақул ота Ғудолов бошлиқ бу звено ғўза парваришида олдингилар қаторида бормоқда. Қариялардан Суяр ота Ҳусанов, Асқархон ака Акбаров, Асқарбобо Зарипов Ўртоқлар, айниқса, яхши ишламоқдалар. Бу ҳақда уларнинг ўзлари билан суҳбатлашсангиз, камтаринлик билан жавоб беришади:

— Бизнинг бу ишимиз колхоз иши олдида дарёдан бир томчи деса бўлади, ишқилиб, қимирлаган қир ошади, ёрдамимиз тегса суюнамиз...

— Шундай болам, шундай, ҳа деган туяга мадад дейдилар. Томатома қўл бўлар деб, қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз.

Чоллар звеноси — колхоз қариялари ўз фарзандларига ана шундай ёрдам бермоқдалар.

Н. МУҲИТДИНОВ.

Адабиёт саҳифаси

Водий йўллари

Водий йўллари кўркам нақадар,
Унга қўл берган узоқ уфқлар,
Ёнма-ён туриб сершох дарахтлар,
Шивирлаб аста, дилни қитиқлар.

* * *

Йўл ўтар қалин ўрмон боғлардан,
Бош қўяр қирда турган шийпонга,
Йўл ўтар чўпон юрган тоғлардан,
Шўнғир оромбахш боғ-у, бўстонга.

* * *

Йўлларга боқсанг юртинг
кўринар,
Қурилиш юкин ортган карвонлар.
Водий йўллари товланиб турар,
Унда одимлар мард-у, майдонлар.

НАЗАРМАТ.



В. Салов фотоси.

МУҲАББАТ

Латиф МАҲМУДОВ.

(ҲИКОЯ)

Экскаваторнинг ковши машина устида тўхтади. Телпагини қошларигача бостириб олган шофер йигит кабинадан бошини чиқарди, кейин эшикни зарб билан очиб пастга тушдида, экскаваторга яқинлашди... Ҳеч ким йўқ. Ажабланиб, ўёқ-бўёққа алангади... Бирдан ёнидаги тепалик орқасида ҳаворанг шляпалик йигит билан гаплашиб турган Муҳаббатга кўзи тушдию кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билолмай туриб қолди. Йигитни таниди: у Муҳаббатнинг бўлажак ўртоғи...

— Кетаётганинг ростми? — тепалик орқасидан Пўлатнинг жаҳл аралаш овози эшитилди.

— Ҳа...

— Тавба.. Аҳмоқ экскаваторчи шу ерда қуриб қолган эканми? Ўшандан ўрганардинг-қўярдинг.

— Пўлатжон, нега тушунмайсиз, ахир! Қурилишимизнинг ўзидан ўн беш киши кетяпти. Мирзачўллик экскаваторчилардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Ундан кейин...

— Уни-буни қўй, қанчага кетяпсан?

— Бир ярим ойга.

— Муҳаббат? Биласан-ку...

— Тез-тез хат ёзиб тураман.

— Эртага уй эгаси квартира ҳақини сўраб қолса, қўлига хатларингни тутқазаманми?

— Нима деяпсиз? Пўлат...

— Бўлди... Ўша Тожибойнингми...

Йигит ўз номини эшитиб чўчиб тушди. Бирон кўнгилсиз ҳаракат қилиб қўйишдан қўрқандек, кабинага кириб педални босди, ковшдаги тупроқни кузовга тўкиб, моторни ўчирди. Пастга тушиши билан Муҳаббат келиб қолди.

— Кечирасиз, Тожибой ака...

Тожибой нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдию, Муҳаббатнинг ёшли кўзларини кўриб индамади. Машинасига ўтириб жўнаб кетди. Муҳаббат ғилдиракка ҳолсиз суянганича қолди.

Шу топда кўксини тўлдириб келган йиғига эрк бергуси, узоқ кечалар уйқусини қочирган ўйларини кимгадир тўлиб-тошиб айтгуси, кўнглини бўшатгуси келди. Кима айтади? Наҳот, юрагини эзгудек кишиси бўлмаса? Ўзини у ҳеч қачон ҳозиргидек нотавон, ёлғиз ҳис қилмаган эди. Пўлатчи! У бўлажак турмуш ўртоғи! Дунёда севганингдан ҳам яқинроқ киши бўладими, ахир? Аммо у буларнинг ҳаммасига тушунармиди. Йўқ, тушунмайди. Эшитиб қолса кулиши мумкин. У бегона, ҳа, у тамоман бегона, Муҳаббат буни шу бугун, ҳозир сезди. Нега узоқдан кўзи тушиши билан ишини ташлаб, унинг олдига югуриб борди. Яна ялинганими?! Ахир, шундай қилмасликка эрталабдан бери ўн марталаб ўзига-ўзи сўз бермаганмиди!.. Пўлат. Пўлат!.. Сўнгги ой ичида шундай ўзгарибди, табиати баҳор ҳавосига ўхшаб, дам очилиб, дам айниб турадиган бўлиб қолибди. Қани энди Тожибойдаги соддалик, меҳрибонлик, олижаноблик Пўлатда бўлса...

Тўғри, Пўлатнинг ҳам ўзига хос томонлари бор. Келишган чиройлик. Бир-бирига туташ қошлари остидан кулиб турувчи кўзлари, жарангли кулгуси, овози Муҳаббатнинг қалбини аллақандай ширин бир туйғу билан тўлқинлатиб турарди. Ётоқхонада ҳам, ишда ҳам бўш қолдими, дарров Пўлатни ўйлаб кетади. Фикри-зикри у билан банд бўлади... Бир куни шивалаб ёмғир ёғарди. Ишдан кейин Тожибой Муҳаббатни машинада олиб бориб қўймоқчи бўлди. Йўлда ҳаёл аралаш у Тожибойга қараб: Пўлат ака! деб юборгани эсида. Шунда Тожибой ялт этиб қарадию, секин юзини бурди. Ётоқхонагача чурқ этмади. Бугун ҳам... Тожибой алланечук бўлиб жўнаб кетди. Яхши йигит. Юрагида кири йўқ. У севади. Буни Муҳаббат бундан уч йил аввал сезган. Ўшанда шаҳарга келишганига энди бир ҳафта бўлганди. Пўлат консерваторияга, Муҳаббат педагогика институтига кириш имтиҳонини топшириб бўлган кезлар эди.

Кечқурун ётоқхонага Пўлат келди. У негадир маюс кўринарди. Муҳаббатнинг кинога бориш тўғрисидаги таклифига истар-истамас рози бўлдию, аммо кинодан чиқиб, яна бошқача бўлиб қолди.

— Сизга нима бўлди, Пўлат.

— Билмадим... — деди Пўлат қайрағоч тепасида йилтиллаб турган юлдузга тикилиб. Муҳаббат ҳайрон бўлиб унга ўгрилди. Пўлатнинг қорачадан келган думалоқ юзи гамгин... Кўзлари ҳам негадир киртайган, сочлари тўзғиган, ҳаворанг галстуги қийшайиб, ёқасидан чиқиб турипти.

— Ўзим ҳам ҳайронман, — деди анчадан сўнг Пўлат олатароқ бўлиб кетган ботинкасининг тумшуғи билан ер чизиб, — ётоқхонага кирдиму ҳафсалам пир бўлди. Бир уйда олти киши турарканмиз. Шу ҳам шароит бўлдими...

— Бизда ҳам шундай, — деди тошиб-пишиб Муҳаббат. — Қайтага зерикмайсан киши.

Пўлат илжайди. Соатига қараш баҳонаси билан қаршисида турган аёлга кўз қирини ташлаб олди.

Улар катта кўчадан ўтишгач, Пўлат тўхтади.

— Шу ерда пича ўтирмаймизми?

У жавоб кутмасданоқ, анҳор лабидаги скамейкалардан бирига ўтди. Муҳаббат унинг ёнига келди.

Новча тераклар орқасидан ой кўтарилди. Унинг кумуш тангаси сув бетида жимирлай бошлади.

Пўлат қиз қўлларини ингичка, ориқ бармоқлари орасига олди.

Пўлатнинг биринчи марта «сен» дейишидан Муҳаббатнинг юрагига нимадир илиққина тегди. У Пўлатнинг елкасига оҳиста бошини қўйди.

— Бўлмаса. нега хафасиз?

— Биласанми, яхши кўй ёзиш учун, яъни нима десамикин... Композитор бўлиш учун яхши шароит керак. Менда эса, унинг учқуни ҳам йўқ.

... Шу куни Муҳаббат Пўлат билан бўлган суҳбатни ўйлаб-ўйлаб, алла вақтгача кўз юммади. Қизиқ, нимадан норози у? Бир уйда олти киши туришиданми? Фақат шуми? Муҳаббат ўйлаб ўйига етолмасди.

Кўп ўтмай, Пўлат ётоқхона қаршисидаги бир кампирникига кўчиб чиқди.

Пўлатжоннинг шинамгина уйи бор. Боққа қараган деразасини очиши билан ариқ бўйидаги кўмкўк ялпиз, қийғос гуллаётган шафтоли иси гуп этиб думоққа уради.

— Менга қара, — деди бир куни Пўлат дераза ромига суянганча боғчани завқ билан тамоша қилаётган Муҳаббатга яқинлашиб. — Айт... тўғрисини айт... Буларнинг ҳаммаси... қандай қилиб?

— Пўлат, Пўлат, ахир ҳаммаси тўғри бўлади. Энди сиз бемалол ишлай оласиз... Ишга кирдим... Энди...

— Нима? Нима деяпсан? Ўқишчи?!

— Сиртқи бўлимга ўтиб олдим... Биласиз-ку, ишсиз туролмайман.

— Қанақа иш экан, — деди бироз жимликдан кейин Пўлат.

Муҳаббат унинг овозидаги оҳангни кесатиққа ҳам, ачинишга ҳам йўёлмай ажабланиб:

— Қурилишда... — деди бироздан сўнг, — қишлоқ хўжалиги виставкаси қурилаётган жойда, эски касбим. Экскаваторчи бўлиб ишлаяпман.

Орага жимлик чўкди. Муҳаббат Пўлатни каттиқ ранжир деб ўйлаган эди. Йўқ, у кутгандай бўлмади. Пўлат ҳудди аллақачон тақдирга тан берган кишидек хотиржамлик билан ёнидан папирос олиб тутатди. Ўйнинг у бошидан-бу бошига юриб, аллақандай куйни оҳиста хиргойи қила бошлади...

... Дам олиш куни. Пўлат билан Муҳаббат магазиндан чиқиши билан уларнинг олдига бир машина келиб тўхтади. Кабинадан ўрта бўйли, калпоғини қошларига тушириб олган йигит тушди.

— Тожибой акамлар, — деди Муҳаббат Пўлатга, — танишинг. Бирга ишлаймиз. Шкафни элтиб бердилар.

Пўлат қаршисидаги йигитнинг бўртиб чиққан ёноқларига, ғижимланган кителига бир зум тикилгач, совуққина кўришди.

Ҳалигина узоқ-узоқдан судралиб келаётган булут самони бутунлай қоплаб олган. Ерга икки-уч йирик томчи тушди. Муҳаббат ҳавотирланиб осмонга қарали.

Кабинага Тожибой билан Пўлат ўтирди. Муҳаббат кузовда қолди.

— Майли, мен шу ерда кетавераман, — деди Муҳаббат Тожибойнинг кабинага ўтиринг деб қисташига қўймай,—ҳаво айниб турибди. Эртага Пўлатнинг концерти бор. Овозига таъсир қилиши мумкин.

Тожибой Муҳаббатнинг гапини эшитса ҳам жўрттага эшитмасликка солиб ўтирган Пўлатга кўз қирини ташлаб олгач, ичидан ғижиниб қўйди. Эллик қадамча юргач, машинани тўхтатди. Тўғридаги магазиндан зонт олиб чиқиб, Муҳаббатга узатди...

* * *

У ҳамон экскаваторга суяниб ҳаёл суриб турибди. Узоқдан машинанинг гувуллаган товуши эшитилди. Муҳаббат чўчиб бошини кўтарди. «Тожибой... — ҳаёлидан ўтказди у, — қайтиб келяпти... Наҳот, шунча ҳаёл сурган бўлсам? Йўқ! Пўлатнинг олдига бориб шу аҳволда юргандан орани очиқ қилган юз марта яхши».

Кечқурун.

Пўлатнинг очиқ деразасидан гитарага жўр бўлаётган қизнинг майин товуши эшитилди.

Ўн саккизга тўласан бугун,
Бугун уйинг тўлади гулга.
Нима қилай, мен узоқдаман,
Ҳаёл билан тушаман йўлга...

Муҳаббат унинг овозидан дарров таниди. Пўлат билан бир курсда ўқийди у. Оти Дилбар эди, шекилли... Ҳа-ҳа, Дилбар. Пўлат билан янги йилни ўшаларникида ўтутишган. Нега у бу ерда? Пўлат янги ёзган ашуласини доим Дилбарга айттириб кўриш одати бор эди. Балки шунинг учун чақиргандир!

Муҳаббат эшик бандини ушлади-ю, иккиланиб туриб қолди. Шу пайт Пўлатнинг эрталабки дағал муомаласи совуқ қарашлари эсига тушиб кетиб, қўлини тортиб олди. Келганига афсусланди.

Кўшиқ тинди.

—Дилбар, бу қўшиқни сизга атаб ёзганман. Чин сўзим, ишонмайсизми? — Ичкаридан Пўлатнинг эшитиккан овози эшитилди.

— Кўшиқни чакки ёзмабсиз-ку, аммо адресига келганда янглишибсиз, — кулги аралаш жавоб берди Дилбар. — Энди менга жавоб. Шунлайми?

— О, йўқ... Сиз менинг паришитамсиз... Дилбар, мен сизни севаман. Чин сўзим. сизсиз...

— Кўйинг-ге ҳазил ҳам эви билан-да. Муҳаббат эшитса ҳафа бўлади. Бунақалигингизни билсам сира келмас эдим. Муҳаббат яхши қиз. Уни...

— Бўлди. Дилбар. Мен уни севмайман, тушунсангизчи! Севмаган кишинг билан, бир кун бир уйда туришдан ҳам оғир жазо борми?

— Пўлат, ахир уч йилдан бери...

— Нима Пўлат?.. Тўғри, уч йилдан бери яқинмиз. Ёшлик қилдим. Ижодимга яхши шароит яратиб берди. Турмушимиз ҳақида мен эмас, у ўйлади. Шунисига учдим.

— Унинг муҳаббатичи? Наҳотки...

— Тушунсангизчи... Товба, экскаваторчи қаёқда-ю, композитор қаёқда.. Бир камим рабочий этик кийиб, эртадан-кечгача экскаваторда...

— Пўлат, бу нима қилиқ? Кўлингизни тортинг, сизга айтяпман.

Ичкарида нимадир шарақлади. Тарақлаб эшик очилди. Дилбар отилиб кўчага чиқиб кетди. Унинг кетидан чап лунжини ушлаган Пўлат кўринди. У, қаршисида турган Муҳаббатни кўриб, оқариб кетди. Қалин лабларини ярим очганича, эшикка суяниб қолди. Муҳаббат унга яқинлашди. «Наҳотки шуни севган бўлсам», ҳаёлидан ўтказди у. Кейин Пўлатнинг безрайиб турган кўзларига тикилдию, индамай чиқиб кетди.

* * *

Муҳаббат вагон деразасини очиб юборди. Ичкарига гуп этиб, енгил шабада кирди.

— Баҳор... — деди у ҳаяжонланиб.

— Баҳорни Мирзачўлда ўтказамиз. — Тожибой костюмини оҳиста ечиб, Муҳаббатнинг елкасига илиб қўйди. — Биласизми? — у ернинг...

Тожибой тўғридаги газ будкасига тикилганича, жим бўлиб қолди. Муҳаббат у қараган томонга ўтирилди-ю, илжайиб келаётган Пўлатни кўриб, газаб билан юзини тескари бурди.

Поезд жилди. Пўлат кафтини оғзига карнай қилиб, нимадир деди. Аммо поезднинг каттиқ қичқириғи унинг овозини кўмиб кетди...

ЛИРИК ШЕЪРЛАР

Зоҳиджон ОБИДОВ.

ҒОЛИБ ОДИМЛАР

Куррамиз устида бўлур парвона
Москва учирган янги-янги ой.
Юртимиз довруғин солиб ҳар ёнга,
Уфқлар устида кўрсатур чирой.

Фалакнинг кўксига нўл солдик дадил,
Халқимиз азмидан кўк тилга кирди.
Куррамиз йўлдошин тинглайди юрт, эл,
Ҳаттоки ғанимлар бизга тан берди.

Орқада қолади дастлабки қадам,
Марсга ҳам чиқади совет одами.
Ҳаттоки етади юлдузларга ҳам
Шонли Октябрнинг ғолиб одими.

ҚАЛБИМ ҚОЛДИ ЎТОВДА

Айландим мен Ола товда,
Қамчи босиб бедовга.
Кимиз ичиб, бешбармоқ еб
Меҳмон бўлдим ўтовда.

Тунда ёндик гур-гур гулхан,
Оқин айтди шўх ўлан.
Ақлим олди шунда бир қиз
Дил ўртанди дард билан.

Жаранглайди сўлкавойлар
Ўтса соҳиб чиройлар.
Қийғоч кўзли, олма юзли
Шу қизни кўзим пойлар.

Гулхан эмас, қалбим ёнар
Кимиздан тут, дил қонар.
Торингни черт оқин бобо
Қиз қалби ҳам уйғонар.

Ўтолмайман Ола товдан
Қамчи босиб бедовга.
Қандай кетай, қалбим қолур
Оқ кигизли ўтовда.

МЕН ҚАНДАЙ КЕТАЙ

Патила-патила чилвир сочлари
Лоларанг ёноқда худди бир тутун.
Шифога келсам ғар кетолмам нари,
Ишқида ёнаман ҳам кундуз, ҳам тун.

* * *

Бу сафар қўлимдан лат едим нетай,
Висолин истардим бир келган чоқдан.
Қўл шифо топса ҳам мен қандай кетай,
Бу кўзлар дармонни олса оёқдан.

ВОЛГА БЎЙЛАРИ

Акс садо берар ўрмон
Паровоз наърасига.
Гоҳ шунғийди поезд қизғиш
Тепалар орасига.
Саф-саф вагон елиб йўлда
Лорсиллар бир зайилда.
Пушти рангли рябиналар
Ғуж-ғуж бўлиб яшнайди.
Гоҳ, пичанзор икки ёнга
Кўмкўк гилам ташлайди.
Паровоздек қалб гупиллар
Кўз қувнатар бу йўллар.
Ёғоч уйлар мўралайди
Соя-салқин ўрмондан,
Сўнмоқ йўлдан ёшлар борар
Куй янгратиб гармондан.
Кумуш танли оқ қайинзор
Сокин боғринг илҳомкор.
Азим дарё жилваланур
Бирдан ўрмон кетидан.
Ғуж-ғуж хода уймалашур
Тўлқинларнинг бетида,
Қирғоқларни ялар бирдай
Дарё она сигирдай.
Қайларгадир аста силжиб
Кемалар дуд таратур.
Балиқчилар кенг соҳилда
Ямашади тортиб тўр.
Тўп-тўп қайиқ қантарикда
Типирчилар қозикда.
Фақат олис дўнглик узра
Фаромишдир бўш черков.
Булутга бут санчганича
Серраяди беўхшов.
У ўтмишин ўйлагандек
Сирли боқар танҳо, тек.
Ёдга тушар шунда бирдан
Кечмиш бурлан ўлкаси,
Қалбга соя солар бирдам
Қора тарих кўлкаси.
Яна йиллар этиб хушҳол
Чекинар ўтмиш даҳоли.
Кўринади оқ шаҳарлар;
Заводлар дуд бўрони.
Сув узра ҳам, соҳилда ҳам
Қайнар ҳаёт сурони.
Кўкси бўртган оқ елкандай
Дил тўла завқ пайдар-пай.
Пушти рангли рябиналар
Қайта йўлда яшнайди.
Дулдул отдек учқур поезд
Урмонаро қишнайди.
Паровоздек қалб гупиллар
Кўз уздирмас бу йўллар.
Кетсам ҳамки, кетмас дилдан
Гавжум соҳил хаёли.
Ҳушим қолди дарё узра
Учган чайка мисоли.
Хайр Волга, хайр Волга
Мангу жосан кўнгилга.

ИЛҲОМ БУЛОҚЛАРИ

САЙЁР.

Ҳаяжонга тушиб,
Ўхшатдинг
Севгимизни очилган гулга.
Учмоқ бўлдинг,
Севинч қанотинг...
Лекин тегди бир нарса дилга.
Гул очилар ва сўнар тезда
Баҳор,
Ёзни ёқтирар фақат.
Куз ва қиш бор ҳаётимизда
Уларга гул қилолмас тоқат.
Хафа бўлма,
Сўрайман узур.
Кўшмоқчиман сўзингга бироз.
Минг гулларнинг умридек узун
Десанг севги ёши,
Бу ҳам оз.
Севги ҳар бир жойда ҳамнафас,
У бизларни ҳаётга йўллар.
У гул каби ҳеч сўлмас,
Сўнмас,
Умримиздек барқ уриб гуллар.

* * *

Саҳнада вафодор,
Қарорли ёрсан,
Бир йигит ишқида сурасан ҳаёл.
Ҳар маҳал тамоша қилгани борсам
Гоҳ азиз онасан,
Гоҳ жасур аёл.
Ғазабни заррача писанд қилмайсан
Тайёрсан ёр учун бўлмоққа қурбон
Шафқатсиз бўлмайсан,
Қалбни тилмайсан,
Номусни сақлайсан ҳамиша омон.
Ҳаётда шундай бўл,
Эй саҳна қизи!
Севгимиз бир экан,
Сенга сўзим шу.
Қалбингда чаққнасин вафо юлдузи,
Миннатдор бўламан ўшанда мангу.

* * *

Пахтазорда учрашдик икков,
Қизғин эди терим суръати.
Қиз юзига югурди олов,
Ажабланди,
Кулиб сўради:
— Адресимни олдинг қаердан,
Тасодифан кўришдикми ё?
Кўзларини узмасди ердан,
Биринчи бор кўргандек гўё.
«Сезиб туриб тутма сўроққа»
Кетса ҳамки шундай дегиси;
Йигит деди:
Элтди буёққа
Пахта ишқи,
Пахта севгиси.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Россия“ поэмаси ҳақида

Халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган адабиёт ва санъатимизда социалистик воқелигимизни акс эттирувчи хилма-хил асарлар яратилмоқда. Ана шундай асарлар қаторида шоир Шукруллонинг «Россия»[1]) поэмасини кўрсатиш мумкин. Поэмада автор улкан Россия табиатининг жозибали манзараларини, рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни, Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги халқ хўжалигини қайтадан қуриш ҳамда ривожлантириш йилларида бу дўстликнинг янада равнақ топганлигини асосий тема қилиб олган.

Шоир бу муҳим темани ёритишга киришар экан, гўзал Россияни улуғлаш ғоясини олга суради, халқлар дўстлиги ғоясини рус халқининг вакили, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Сергей Иванович ва ўзбек йигити ўртасидаги муносабатлар орқали акс эттиради. Шоир рус халқининг инсонпарварлигидан қувонади, унинг олижаноб фазилатларидан тўлқинланади:

Рус кишисин шу фазилати,
Инсон учун вафодорлиги,
Жанг, меҳнатда мардлиги,
Мафтун қилиб минг гўзал каби
Ўйготганди қалбимда севги.
(22 бет)

Автор воқеа давомида ўз қаҳрамонларининг маънавий қиёфасини, ички кечинмаларини зўр лиризм билан ифодалайди. Асарда асосий кўзга ташланадиган нарса бу, рус ва ўзбек халқлари орасидаги дўстлик туйғуларидир. Поэманинг бош қаҳрамони — ўзбек йигити тинч қурилиш йилларида Мирзачўлни ўзлаштиришда, Киев, Урал, Москвадан келган ватанпарварлар билан бирга филокорона меҳнат қилади, беш йил ўқиб агроном бўлади. Ўзбек йигити гарчи орадан ўн йил ўтиб кетган бўлса ҳам, дўсти Сергейни кўриш иштиёқи билан яшайди, Сергейга ўхшаган кишиларни кўради, газета-журналлардан унинг номини қидиради, Сергейни топа олмагач, Мирзачўлдан Уралга томон йўл олади. Ўзбек йигити Уралдан дам поезд билан, дам машина билан, дам яёв юради ва Сибирь ўрмонларидан дўстини қидиради.

Шоир ҳар бир воқиани беришда, табиат манзараларини чизишда, қаҳрамонлар ва персонажларнинг портретини яратишда бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланади. Масалан, Сибирь ўрмонларининг ўзига хос табиатини кўрсатар экан, ҳавонинг тез-тез ўзгариб туришини турли алабий приёмларда тасвирлайди. Очиқ ва мусаффо ҳаванинг бирдан булут қоплайди, ҳаммаёқ қоронғулашади, шунда бирдан бошланган кучли момақалдироқ ҳудди тоғдан думалаб тушган кучли ҳарсанг тошга ўхшатилади.

Чақмоқ чиқар, кўк қарсиллайди,
Кўчган каби тоғдан азм тош
(44 бет)

Шоир Шукрулло ўз асарида темани атрофлича ёритишга ҳаракат қилади. Асосий образлар ва персонажларнинг характерини очиш учун ажойиб портретлар яратади. Унга мос келадиган ўхшатиш ва сифатлаш каби бадиий тасвир воситалари топади, уларнинг ҳаётий бўлиб чиқиши учун оригиналликка интилади.

Асарда севги-муҳаббат масаласи ҳам атрофлича очиб берилади. Ўзбек йигити бир кекса рус кишисининг уйида меҳмон бўлиб ўтирганида, деворга осиб қўйилган бир ўзбек йигитининг расмини кўрали, ундан қувониб, революциядан илгариги бир ошиқ-маъшуқларнинг ҳаётини: ўзбек йигити рус қизини севганлигини, бир-бирларига етиша олмай қиз монастирда, йигит эса сургунда ҳалок бўлганини эслайди. Революциядан олдинги мақсадига ета олмаган ошиқ-маъшуқларнинг ҳаёти совет давридаги озод ва эркин бўлган севги-муҳаббатга қарама-қарши қўйилади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, поэмада юқоридаги каби муваффақиятлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжуддир. Поэманинг бош қаҳрамони Сергей Иванович ва ўзбек йигитининг урушдан сўнгги ҳаёти ва уларнинг дўстлиги унча ишонарли чиқмаган. Масалан, ўзбек йигити (поэманинг лирик қаҳрамони) Сергей билан ҳамнафас дўст бўлатуриб, урушдан кейин (гарчи 10 йил ўтиб кетган бўлса ҳам) бир-бирларидан хабардор бўлмайдилар, қўлларида адрес бўлса ҳам, бир-бирларига хат ёзмайдилар. Бизнингча шоир поэмада уларнинг урушдан сўнгги дўстлигини мустаҳкамлаш учун хат орқали ҳол-аҳвол сўраштириб, ҳаётда бўлиб турган янгиликлар билан таништириб, кейинчалик бир-бирлари билан учраштирганда, поэманинг сюжет линиясидаги айрим воқеалар ва эпизоллар ҳаётий ва ишонарли чиққан бўлар эди.

Автор қаҳрамонларнинг урушдан сўнгги фаолиятини ҳаётдан узиб олинган ҳолда тасвирлайди: ўзбек йигити Мирзачўлни ўзлаштиришда бир кўринади, холос. Сергей Иванович тўғрисида ҳам унинг «Братск» ГЭСида ишлаётгани ҳақида қисқача справка беришдан нарига ўтилмайди. Буларни тасвирлаш учун поэмада имкониятлардан тўла фойдалана олмаган.

Асар композицияси ҳам анча тарқоқ ҳолда берилади. Воқеалар бир линияда бормайди. Поэмадаги айрим эпизодлар бир-бирига боғланмайди. Поэмада рус қизи билан ўзбек йигити ўртасидаги муҳаббат ҳам кўзга яққол ташланмайди. Масалан, ўзбек йигити Сибирь ўрмонларида кезиб юрганида рус қизи Аняни кўриб қолади. Шунда у: «Ватан уруши йилларида яраланиб госпиталда ётганимда мени даволаган қиз шу» деб ўйлайди, лекин унга шубҳа билан қарайди. Айни вақтда улар бир-бирини танимайди.

Автор поэмада бадиий тасвирий воситалардан фойдаланишда ҳам қатор камчиликларга йўл қўяди. Лирик қаҳрамоннинг ҳаётий ички кечинмаларини берар экан, баъзи ўринларда мазмунга эътибор бермайди, қофиянинг қурбони бўлиб қолади. Натижада мисралардаги мазмун ва шакл бирлиги бузилади. Асарда гализ иборалар, грамматик ва лексик жиҳатдан хато иборалар ишлатилиши туфайли тасвирданайтган у ёки бу ҳодиса, ҳис-туйғу мавҳум бўлиб қолади. Масалан,

Кучоқ сиғмас, сершох дарахтлар,
Устида нур, тагида соя (9-бет).

Бу ерда «Кучоққа» ўрнида «кучоқ» ишлатилгани учун ўқувчи маънони тез тушуна олмайди.

Автор лирик қаҳрамоннинг ҳаётий хотираларига кўпроқ берилиб кетиб, унинг саргузаштларини тасвирлашда қайтариқларга ҳам йўл қўяди. Масалан, лирик қаҳрамон Сибирь ўрмонларида Сергейни қидириб юрганида ўрмон манзараси, қуёш, ой, дарё, сойнинг шовуллаши, юлдуз, осмон, тонг отиши кабиларни деярли ҳар бир кеча-кундузда ўз бошидан кечиради, буларни поэманинг ҳар бобида учратиш мумкин. Шоир бу лар ўрнига Россиянинг ўзига хос томонлари ва хусусиятлари ҳақида сўзлаганда асар ғоявий ва бадиий жиҳатдан янада мукаммаллашган бўлар эди.

Шунингдек поэманинг «кириш» қисмида «Ўн йил ўтди» деган ифоданинг қуйидагича такрорланганини кўриш мумкин:

Лекин, ўн йил бўлса ҳам ўтган,
Тўрт эллик хат ёзмадим бир бор.
(7-бет)

Ўн йил бўлди, учрашмоқ, кўрмоқ
Орзусида яшайман ҳамон. (7-бет).
Ўн йил ўтди. Бу йил ичида
Беш йил ўқиб, бўлдим агроном
(8-бет).
Ўтиб кетди аста ўн йил ҳам.
(8-бет).

Бу каби ҳоллар ўз навбатида асарнинг бадиий жиҳатдан сусайишига таъсир қилади.

Шоир Шукруллонинг «Россия» поэмаси баъзи жузъий камчиликлардан қатъий назар, Россиянинг гўзал манзарасини зўр лиризм билан тасвирлашда эришган ижодий ютуғидир. Шоир Шукрулло ўз поэмаси устида кейинги олиб борадиган ишларида юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларга барҳам беради деб ишонамиз.

Ашурали АҲМЕДОВ,
Маҳмуджон НУРМАТОВ.

[1]) ШУКРУЛЛО — «Россия» поэма, ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент — 1957. редактор Э. Аббос.

(ФЕЛЬЕТОН)

Нафс касали

Октябрь районидаги гўшт дўконлари устидан назорат қилувчи «доктор» Галиевнинг пораҳўрлиги тўғрисида.

(Мухбир хатидан).

Гўшт контроли «доктор» Галиев,
Берилиб кетган пора олмоққа,
Пора деб узатилса оловни
Оғзини очар шу он емоққа.
Заҳарни агар пора десангиз,
Улишин билмай ташлар томоққа.
У нафси бузуқнинг сири маълум
Чимкент-у, Тошкент, Арис ёққа.
Олғурлар иши бамайлихотир —
Дарҳол ҳал бўлар етса қулоққа,
Ҳар нима деса ҳозир-у нозир,
Сер иштаҳали—калон думоққа.
Қанча-ю-қанча зотли сигирлар
Яширин сўйилар чиқиб бракка.
Порасиз ишга эснар бўғилиб,
Бошлар томоғи ғижирламоққа.
Тиришиб афти баайни ўхшар
Саратонда оғриган қовоққа.
Бир катта сигирнинг ёғи етмас
Лак-лунларини мойламоққа.
Мол қушхонада сўйилса ҳам у
Ноҳақ ҳақ олар печать урмоққа.
Қани гўшт сотувчи «ғинг» деб
кўрсин
Ишини судраб, қўяр чатоққа.
Шогирди Аъзам «барака топгур»
Чиранар унга ўхшамоққа
Бу нафси касал қайғурарми
Халқ соғлиғини сақламоққа
Йўқ чора кўринг «доктор» касали
Хавфли кўринар борса узоққа

Ж. АСОМИДДИНОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Совет Контроль Комиссиясида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Совет Контроль Комиссиясининг навбатдаги мажлисида Тошкент шаҳрида нон савдосининг аҳволи муҳокама қилинди.

Нон ёпувчи корхоналар томонидан керакли миқдорда нон маҳсулотлари тайёрланаётган бўлишига ва уларнинг ассортименти кенгайтирилганига қарамасдан, нон савдосида жиддий камчиликлар мавжуд. Нон маҳсулотларини савдо тармоқларига олиб бориш графиги ва белгиланган нон маҳсулотлари ассортименти минимуми сақланмаётир. Савдо ташкилотлари аҳолининг нонларнинг айрим хилларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини яхши ўрганмаётирлар, нон маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазинлар сонини ошириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Магазинларда нон хилларининг рўйхатлари осиб қўйилмайди. Уйларга нон олиб бориб сотишга мўлжалланган махсус автотранспортнинг бир қисми бошқа мақсадларда фойдаланилаётир. Савдо ташкилотлари магазинларга тушаётган хом нонларнинг келишига чек қўйиш учун курашмаётирлар.

Айниқса Марказий район пишчеторгининг (райпишчеторг директори Ўртоқ Ксендзов) бир қатор нон магазинлари ёмон ишлаётир. Бу магазинларда нон қабул қилиш графиги кўпинча бузилади, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш юзасидан чоралар кўрилмайди, сотиладиган нонларнинг ассортиментини кенгайтириш устида иш олиб борилмайди.

Совет Контроль Комиссияси Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Турковага нон савдосидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди ва бу ишда тартиб ўрнатиш вазифасини юклади. Марказий район пишчеторгининг директори Ўртоқ Ксендзов нон савдосидаги камчиликларни тугатиш чораларини кўрмаса, қаттиқроқ жавобгарликка тортилади, деб огоҳлантирилди.

Студентлар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилайлик

(Шаҳар комсомол комитетининг пленуми)

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. Соқиев «Студентлар орасида тарбиявий ишларнинг аҳволи ва уларни яхшилаш тадбирлари ҳақида» доклад қилди. Докладчи пойтахт олий ва ўрта ўқув юртлари студентлари орасида таълим-тарбия ишларининг савиясини кўтариш соҳасида анча ишлар қилинганлиги, лекин ҳали бу ишлар бугунги талаблар даражасида эмаслигини, айрим институт ва техникумларда ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг бўшашиб кетганлиги ва бунга комсомол комитетлари бепарво қараётганликларини кўрсатиб ўтди. Айниқса Тошкент тоғ техникуми комсомол комитети ёшлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, тарбиявий ишлар савиясини кўтариш масалаларига эътибор бермай қўйган. Бунинг натижасида техникум студентларидан 23 киши ўқишдан четлаштирилган. Шунингдек, Тошкент Қишлоқ хўжалиги, Электротехника-алоқа, Чет тиллар педагогика институтларида ҳам тарбиявий-сиёсий ишлар қониқарли эмас.

Пленумда Тошкент Педагогика институти адабиёт-тарих факультетининг комсорги Деева, Ўрта Осиё Политехника институти комсомол комитетининг секретари Гельдитейн, Ўрта Осиё Давлат университети комсомол комитетининг секретари Куценко ва бошқа ўртоқлар чиқиб сўзладилар. Улар студентёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини яхшилаш комсомол комитетларининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлаб, бу соҳада ўз олий ўқув юртларида олиб борилаётган ишларни, айрим тажрибаларни айтдилар.

Шаҳар партия комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг мудири Ўртоқ Файзуллина олий ва ўрта ўқув юртларида сиёсий-оммавий ишларни янада яхшилаш йўллари ҳақида гапирди.

Пленум кўрилган масала юзасидан резолюция қабул қилиб, олий ва ўрта ўқув юртлари комсомол ташкилотлари олдига студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ва оммавий ишларни кучайтириш вазифасини қўйди.

Бўка район пиллачилари социалистик мажбуриятни бажардилар

БЎКА. **(«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали олинди).** Район пиллачилари пландан ташқари давлатга 3.070 килограмм ортиқ пилла топширдилар ва социалистик мажбуриятни ошириб адо этдилар.

Пилладан юқори ҳосил етиштиришда Вильямс номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғ. Азаматов) катта муваффақиятга эришди. Колхоз давлатга 7.550 килограмм пилла топшириди, Раҳимова, Ҳоназарова, Бойморатова, Мўминова каби ўртоқлар ҳар қути қурт уруғидан 144-195 килограммга етказиб пилла топширидилар.

«Ленинобод» колхози мажбуриятни 113,6 процент, «Коммунизм», «XIX партсъезд» колхозлари 107 процентга етказиб бажардилар. Ленин номли, Хрушчев номли, Ильич номли колхоз пиллачилари ҳам юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Район пиллачилари давлатга қўшимча 2.500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар. Пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Учинчи сунъий йўлдош 7 июнь эрталаб соат олтига қадар Ер атрофини 308 марта айланиб чиқди. (ТАСС).

Қорасув районидаги Ленин номли колхозда паррандачилик йилдан-йилга ривожлантирилмоқда. **Суратда:** колхоз товуқчилик фермасида. **Б. Сиддиқов** фотоси.

АҚШга етиб олиш учун курашмоқдалар

Бу йилги кўклам чорвадорлар учун анча қулай келди: улар чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий базаси — мўл ем-хашак тайёрлаш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. Илғор хўжаликлар кўк ўтлардан 2-3 йилга етадиган пичан жамғариб қўйиш учун курашиб, бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Ҳозир барча майдонлардаги беданинг биринчи ўрими тугалланди, кенг майдонларга экилган маккажўхорилар гуркираб ўсмоқда.

Оржоникидзе район Киров номли колхозда, — деб ёзади ўртоқ **А. П. Пирметов,** — бу йил ем-хашак экинлари 255 гектар ерга, шундан 55 гектар ерга маккажўхори, 15 гектар ерга хашаки лавлаги, 155 гектар ерга беда экилган. Колхоз чорвадорлари 1957 йилга қараганда 55.500 литр ортиқ сут тайёрлашга, қўлда боқилаётган ҳар бир сигир ҳисобига 11-12 тоннадан силос бостиришга аҳд қилганлар.

Оққўрғон районидан ўртоқ **М. Ойдиновнинг** ёзишича райондаги Ворошилов номли ва «Ленинобод» колхозларининг илғор сут соғувчилари Тамара Проценко билан Мария Боготенковалар ўзларига бириктирилган соғин сигирлардан кўплаб сут соғиб олишда район сут соғувчиларига намуна бўлиб келмоқдалар.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг илғор сут соғувчилари Ораҳон Тутанбоева, Гулхон Аюпова, Жамила Гинатуллиналар ҳақида газетхонларимиз **Т. Усмонов, А. Валиев** ўртоқлар, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор сут соғувчиси Гайша Фасхуттинова ҳақида **С. Ҳайдаров,** Ильич номли колхознинг илғор сут соғувчилари Н. Лубницкая, В. Демидова, Н. Фирсовалар ҳақида **Х. Андақулов** ўртоқлар ва Октябрь районидаги Андреев номли колхознинг сут соғувчиси Ҳалима Нурахмедова ҳақида **П. Муродов** ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

3-«Боёвут» совхозида, — деб ёзади ўртоқ **Ю. Юнусов,** — гўшт етиштиришда чўчқачилик асосий база бўлиб қолди. Совхоз чўчқабоқарлари чўчқачиликдан катта даромад олишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Айниқса Леонид Доронин бошлиқ чўчқачилик бригадасининг иши диққатга сазовордир. Бу бригада чорвадорлари бўрдоқига боқилаётган ҳар бир чўчқанинг бир сутка да ўрта ҳисобда 500-600 граммдан семиришига эришмоқдалар.

Шунингдек, Бўстонлиқ район Ленин номли колхоз ва Мирзачўл район «Коммуна» колхози чўчқабоқарлари бу йил она чўчқалардан кўплаб бола олганликлари ҳақида **М. Расулев** ва **А. Ҳақбердиев** ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

Чиноз районидаги «XIX партсъезд» колхозидан **Н. Саидов** ёзади: колхоз паррандачилик фермасида 800 та она товуқ, 3 мингта жўжа ва мингдан ошиқ ўрдак бор. Ҳозиргача давлатга 40500 дона тухум топширилди. Колхоз паррандабоқарлари Трофим боби Сулимов, Татьяна Шпулина ўртоқлар кўплаб парранда гўшти ва тухум етиштириш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг паррандачилик фермаси йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, бу йил инкубаторда 2 мингта жўжа очирилиб, улар соғлом тарбияланаётгани ва мавжуд 349 та она товуқнинг ҳаммаси кўплаб тухумлаётгани ҳақида ўртоқ **М. Аҳмедов** бизга ҳат ёзиб юборган.

Калинин районидан **С. Каримов,** «Фарҳод» совхозидан **У. Искандаров,** Чиноз районидаги Оржоникидзе номли колхоздан **С. Алиев** ўртоқлар кўплаб маккажўхори экилиб, соғин сигирларни ем-хашак кўк конвейери билан таъминлаш ва ҳозиргача кўп миқдорда пичан силоси ҳамда беда ғарами тайёрланганлиги ҳақида бизга хат ёзганлар.

1-«Оҳангарон» совхозидан **Н. Икромов,** Тошкент наслчилик совхозидан **М. Фозилов** ва «Дружба» совхозидан **И. Холмуҳамедов** ўртоқлар бу совхозларда жун қирқиш кампанияси ушқоқлик билан ўтказилганлиги ҳақида хабар берадилар.

Аммо, баъзи чорвадор колхозларда кенг яйловлардаги бўлиқ пичанларни ўриб ғарамлаш ва силос тайёрлаш ишларига етарли эътибор бермаслик ҳоллари ҳам учраб турди. Паркент районидан ўртоқ **Ю. Баҳодировнинг** ёзишича, райондаги Сталин номли ва «Коммуна» колхозлари раҳбарлари бўлиқ пичанзорларни кўриб қувониш билан чегаланмоқдалар. Уларни ўриб йиғишга астойдил киришмаётирлар. Бултур ем-хашак тайёрлаш планини бажаролмаган бу колхоз раҳбарлари бу йил мўл ем-хашак тайёрлаш имкониятидан тўлиқ фойдаланишлари керак.

НЕПАЛ КОРОЛИ ВА ҚИРОЛИЧАСИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Москвада меҳмон бўлиб турган Непал короли Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева ва Непал қироличаси Ратна Ражия Лакшми Деви Шоҳ 6 июнда ўз ҳамроҳлари билан бирга авиация заводига бордилар.

Самолётсозлар ҳурматли меҳмонларни самимий кутиб олдилар. Меҳмонлар завод цехларини тамоша қилдилар, деталларнинг заготовка қилинишини, айрим узелларнинг монтаж қилинишини ва машиналарнинг узил-кесил йиғилишини кузатдилар.

Учиш майдонида Непал короли учиб кетишга тайёр турган «ИЛ-18» ҳаво кемасига чиқди ва ундаги энг янги ускуналар билан танишди. Король ва унинг ҳамроҳлари авиация ишлаб чиқаришининг юксак даражага эришганлигидан хурсанд бўлганликларини айтдилар.

Непал короли ва қироличасининг истаги билан уларга Москвадаги туғруқхоналардан бирини — Тимирязев районидаги 27- туғруқхонани кўриш имконияти берилди.

Непал короли ва қироличаси, шунингдек уларнинг ҳамроҳлари тушлан кейин В. И. Ленин номидаги Москва метрополитенида бўлдилар.

Король ва қиролича метрони тамоша қилганларидан кейин автомашиналарда шаҳар бўйлаб саёҳат қилдилар. Ленинские Горида улар манзаралар тамоша қилинадиган майдончада бўлдилар. Бу ердан Москванинг улуғвор манзараси кўзга ташланиб туради. Непал короли бу ердан яхши кўриниб турган Лужникидаги В. И. Ленин номли марказий стадион спорт иншоотлари комплекси билан қизиқди.

Непалдан келган меҳмонлар Ленинские Горидаги Москва университетининг биносини катта қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Кечқурун Непал короли ва қироличаси «Тинчлик» панарама кинотеатрига бориб, у ерда «Поёнсиз менинг Ватаним...» фильмини тамоша қилдилар. Тамоша залида ҳозир бўлган кишилар ҳурматли меҳмонларни самимий табрикладилар. (ТАСС).

1958 ИЙЛ ЛАУРЕАТЛАРИГА ЛЕНИН МУКОФОТИ ФАХРИЙ НИШОНЛАРИ ВА ДИПЛОМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

6 июнда 1958 йил Ленин мукофоти фахрий нишонлари ва дипломларини топшириш маросими ўтказилди. Артистлар, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар Москвадаги А. М. Горький номли адабий театр залига тўпландилар.

Т. Хренников адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети номидан гапириб, лауреатлардан хайкалтарош М. К. Аникушинни, режиссёр Г. А. Товстоноговни, артист Ю. В. Толубеевни, «Отелло» балетининг постановщиги ва асосий ролни ижро этувчи В. Чабукианини, композитор Д. Д. Шостаковични қизғин табриклади.

СССР маданият министри Н. А. Михайлов Ленин мукофоти лауреатларини табриклади.

РСФСР маданият министри А. И. Попов, СССР Фанлар академиясининг президенти Б. В. Иогансон, СССР Рассомлар союзидан С. В. Герасимов, пойтахт артистлари номидан Ю. А. Завадский ва Бутун Россия театр жамияти номидан С. В. Гиацинтова Ленин мукофоти лауреатларини табриклашилар.

Мажлиснинг охирида 1958 йил Ленин мукофоти лауреатлари сўзга чиқдилар. (ТАСС).

Болгария Коммунистик партиясининг VII съездида

СОФИЯ, 6 июнь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси VII съезднинг бугун арталабки мажлиси Мандат комиссиясининг доклади билан бошланди. Пола Драгойчева Мандат комиссиясининг докладини қилди.

Мандат комиссиясининг докладидан кейин Министрлар Советининг раиси Антон Югов Болгария Халқ Республикасини ривожлантириш учинчи беш йиллик плани юзасидан VII съезднинг директивалари тўғрисидаги доклади юзасидан музокаралар бошланди. Биринчи бўлиб Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Райко Дамянов сўзга чиқди. У ўз нутқида Болгария Коммунистик партиясининг синфий гоявий муросасизлиги ва марксизм-ленинизм улуғ идеяларига чексиз садоқати Болгария Коммунистик партиясининг характерли хусусияти эканлигини таъкидлади. Сўнгра, Райко Дамянов Болгарияда энергетикани ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар ва энергетикани жадал ривожлантириш, кўмир чиқариш ва электр қуввати ишлаб чиқариш таннархини камайтириш вазифаларига тўхталиб ўтди.

Шундан кейин, енгил саноат министри Станка Цекова, қурилиш ва бинокорлик материаллари министри Раденко Видинский, Болгария Коммунистик партияси Петрич околия комитетининг секретари Горан Ангелов, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Младен Стоянов сўзга чиқиб, Болгария халқи иккинчи бешйилликда саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий савиясини оширишда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидладилар ва учинчи беш йиллик план директивалари ана шу соҳаларда янада кенг истиқболлар очиб беражаги тўғрисида гапирдилар. Шу билан бирга, улар ишлаб чиқариш ва партия ишларининг турли соҳаларида бўлган конкрет камчиликларга съезд делегатларининг эътиборини жалб этдилар. Ана шу камчиликларни тугатиш — учинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли суратда амалга оширишнинг энг зарур шартидир.

Бугун эрталабки мажлисда Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари П. Буфалини, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Б. Дамдин, Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Апостолос Грозос, Мексика Коммунистик партиясининг бош секретари Д. Энсина, Испания Коммунистик партиясининг вакили А. Мяхе, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Т. Маар, Аргентина Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси П. Тадиоли Болгария Коммунистик партиясининг VII съездини табриклашдилар.

СОФИЯ, 6 июнь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси VII съезднинг бугун кечки мажлисида Министрлар Совети раиси Антон Югов Болгария халқ хўжалигини 1958-62 йилларда ривожлантириш юзасидан Болгария Коммунистик партияси VII съезднинг директивалари тўғрисида қилган доклади юзасидан музокаралар тамом бўлди. Сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси докладни якдиллик билан маъқуллади.

Шундан кейин, Сурия ва Ливан Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Марокаш Коммунистик партияси, Финляндия, Австрия, Дания Коммунистик партиялари, Эрон Халқ партияси, Ирак Коммунистик партияси, Судан, Туркия, Швеция, Норвегия ва бошқа коммунистик ҳамда ишчи партиялар делегацияларининг бошлиқлари Болгария Коммунистик партиясининг VII съездини табриклашдилар.

Софияда Болгария Коммунистик партияси VII съезди шарафига концерт

СОФИЯ, 6 июнь. (ТАСС). Кеча кечқурун София халқ операсида Болгария Коммунистик партияси VII съездига бағишланган тантанали концерт қўйиб берилди.

Концертда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Димитр Ганев, Райко Дамянов, Тодор Живков, Иван Михайлов, Георгий Цанков, Антон Югов ва Болгария партия ҳамда ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Дун Би-у, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Анвар Хўжа ва бошқа қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг Болгария Коммунистик партияси VII съездига келган делегацияларининг бошлиқлари ҳамда аъзолари, съезд делегатлари ва меҳмонлари ҳозир бўлдилар.

Қизил байроқли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг ГДРдаги муваффақияти

БЕРЛИН, 6 июнь. (ТАСС). Қизил байроқли А. В. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамбли Брюсселдан қайтиб келиб Германия Демократик Республикасида бир неча кун меҳмон бўлди. Германия-Совет дўстлиги жамиятининг таклифига мувофиқ, ансамбль республика бўйлаб саёҳат қилди. Ансамблнинг Галле, Эрфурт, Иена, Фюрстенвальде, Франкфурт-Одер ва Магдебург шаҳарларидаги концертларини аҳоли зўр иштиёқ билан тамоша қилди. Ана шу шаҳарларда ўтказилган концертларда юз мингга яқин киши ҳозир бўлди.

Қизил байроқли Совет Армияси ашула ва рақс ансамбли кеча Берлиндаги энг катта залларнинг бири «Шпортхалле»да концерт берди. Концертда Германия Демократик Республикаси пойтахтининг неча мингдаб меҳнаткашлари ҳозир бўлдилар. Концерт бошланиши олдидан Германия-Совет дўстлиги жамияти секретариатининг раиси Ф. Бейлинг ансамбль коллективини самимий табриклаб нутқ сўзлади. Концертгоят муваффақиятли ўтди. Ансамбль қатнашчиларига гуллар тақдим этилди, Германия-Совет дўстлиги жамиятининг раиси ансамбль раҳбари Б. А. Александровга жамиятнинг фахрий байроғини топшириди. Қизил байроқли ансамбль Германиядаги совет қўшинлари группаси қисмларида ҳам концертлар қўйиб берди.

Пахтакорларимизга янги машиналар етказиб берамиз

Партия ва ҳукумат социалистик қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим қарор қабул қилдилар. Бу гоят катта тадбир машинасозларимиз зиммасига ҳам янги вазифаларни юклайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаш туриб пахтачиликни тагин ҳам ривожлантириш соҳасида турган вазифаларни муваффақиятли бажариб бўлмайди. Ана шуни яхши тушунган машинасозлик заводлари коллективлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига янги, юқори иш унумли машиналарни кўплаб етказиб бериш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирлар. Жумладан, «Узбексельмаш» заводида квадрат-уялаб чигит экадиган янги сеялка, чанглагич-пуркагич ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи эса ўғитловчи культиваторнинг янги конструкциясини ҳамда ғўзапоя йиғиш машинасининг тажриба нусхаларини тайёрлади. Чирчиқ машинасозлари ер қазиш ва текислаш ишларини бажарадиган универсал зовур қазиш-текислаш машинасининг дастлабки партиясини тайёрладилар.

Бу йил область машинасозлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Чунончи, машинасозлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 1957 йилдагига нисбатан камида 16 процент оширилади. Шунингдек, халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган бир қанча янги ускуналар, механизм ва мосламалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Машинасозларимиз олдида турган бу вазифаларнинг шараф билан бажарилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда республика Министрлар Советининг қарори билан ташкил этиладиган машинасозлик технологияси бўйича махсус конструкторлик бюроси муҳим роль ўйнайди. Бу конструкторлик бюроси ўзининг тажриба заводига ҳам эга бўлади. Шунингдек, ирригация-мелиорация машиналари бўйича махсус конструкторлик бюроси ташкил этиш ҳамда пахта тозалаш асбоб-ускуналари бўйича махсус конструкторлик бюросини кенгайтириш кўзда тутилади.

Чигит экиш ва ғўзага ишлов бериш асосан тўла механизациялашди. Бироқ пахтанинг ҳали ҳам анчагина қисми қўл кучи билан териб олинаётир. Шу сабабли ҳам такомиллаштирилган янги пахта териш машинасини яратиш конструкторлик бюросининг ходимлари ҳамда машинасозлик заводлари коллективларининг энг муҳим вазифасидир. Конструкторларимиз кўп меҳнат талаб қиладиган пахта теришни механизациялаш мақсадида кўп йиллардан буён иш олиб бораётирлар. Ана шу ишлар натижаси ўлароқ очилган пахтанинг 88-92 процентигача териб оладиган СХС-1,0-1,1 1,2 ва СХП- 1,0- 1,1- 0,2 маркали янги пахта териш машиналари яратилди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, бу янги машина синаб кўрилганида, ўзининг агротехника кўрсаткичлари бўйича Америкадан келтирилган пахта териш машинасидан анча устун эканлигини кўрсатди. Бу, конструкторларимиз ҳамда ишчи ва инженер-техник ходимларимизнинг катта ютуғидир.

Бу йил янги типдаги пахта териш машиналарини яратиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари анча кучайтирилади. Шу мақсадда пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси пахта териш бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси қилиб қайта ташкил этилади. Ҳайдов тракторлари ва уларга зарур бўладиган машина ҳамда ускуналарнинг комплексини яратиш, шунингдек пахтачиликда ишлатиладиган бошқа машиналарни яратиш ва лойиҳалаш учун янги пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ташкил этилади.

Ана шу кўрсатилган тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, конструкторлик ишлари суръатини ва сифатини оширади, пахтачиликни комплекс механизациялаш имконини беради.

Бу йил Чирчиқ ва Тошкент машинасозлари янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш юзасидан жуда катта ишларни бажаришлари керак. Айниқса қуюв, темирчилик-пресс ва механика цехларининг ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштирилади. Қуюв конвейерлари қуриш ҳамда шихта тўкиш, қум-тупроқ тайёрлаш, қолиплаш ва қуйилмани тозалаш ишларини механизациялаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Қуюв цехларини ихтисослаштиришга алоҳида эътибор берилади. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш мавжуд резервлардан тағин ҳам кўпроқ фойдаланиш учун катта имкониятлар яратади. Буни Иттифоқимиздаги илғор корхоналарнинг тажрибалари яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Ростовдаги «Красний аксай» ва «Узбексельмаш» заводи қуюв цехларини таққослаб кўриш мумкин. «Красний аксай» заводининг қуюв цехи фақат тобланадиган чўян ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. У ерда ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метридан йилига 3 тоннага яқин қуйилма олинади, ҳар бир ишчига ўрта ҳисобда йилига 24,5 тонна маҳсулот тўғри келади. «Узбексельмаш» заводида эса ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метридан 1,7 тонна қуйилма олинади, ҳар бир ишчига йилига ўрта ҳисобда 18 тоннаданга маҳсулот тўғри келади. Тайёрланаётган қуйилма таннархи ўртасидаги фарқ айниқса катта. «Красний аксай» заводида бир тонна қуйилма 1870 сўмга, «Узбексельмаш» заводида эса 2500 сўмга тушаётир.

Пахтакорларга етказиб берилаётган машиналарнинг сифатини яхшилаш, уларни янада такомиллаштириш мақсадида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, деталларни электр майдони ёрдами билан бўяш, уларни инфрақизил нурлар билан қуритиш, кўп меҳнат талаб этадиган иш процессларини механизациялаш, ёрдамчи операцияларни қисқартириш, циклли процесслар ўрнига узлуксиз технологик процессларни жорий қилиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Областдаги икки корхона ҳузурида инспекторлар группаси ташкил этилади. Бу группа барча машинасозлик заводларидаги маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиб боради.

Қишлоқ хўжалик машиналарининг дала шароитида ишлаш сифатини ўрганиш мақсадида республика МТС ва РТС ларига корхоналарнинг, конструкторлик бюроси ҳамда машинасозлик Бошқармасининг ходимлари юборилади. Улар қайтиб келгач, таклифларнинг ҳаммаси тўпланади ва ўрганилади.

Олдимизда турган вазифалар область машинасозларидан янада кўпроқ ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб этади. Корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишлари, ходимларга нисбатан ғамхўр ва шу билан бирга талабчан бўлишлари, коллективнинг эътиборини ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларини ҳал этишга сафарбар қилишлари зарур. Корхона коллективлари билан конструкторлик бюроларининг ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу билан бирга МТС, РТС, колхоз ва совхозларнинг механизаторлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, уларнинг корхоналаримиз етказиб бераётган машиналар ҳақидаги фикрлари, мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиш айниқса муҳимдир. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари ҳамда пахта далаларида ишлаётган механизаторлар ўртасида чинакамига ижодий ҳамкорлик ўрнатиш—машиналар конструкциясини такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги типларини яратиш имконини беради.

Ш. ХУЖАЕВ,

Тошкент Совнархози машинасозлик саноати бошқармасининг бошлиғи.

КОРЕЯ МЕХНАТ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПХЕНЬЯН, 6 июнь. (ТАСС). 5 июнда Пхеньянда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Пленумда Корея Халқ-Демократик Республикаси енгил саноат министри Мун Ман Ук озиқ-овқат саноатини ва кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни яхшилаш ҳамда ривожлантириш тўғрисида доклад қилди.

ЛИВАНДА АҲВОЛ

БАЙРУТ, 6 июнь. (ТАСС). Ливан маъмурларининг расмий ахборотида айтилишича, ўтган сутка ичида ҳукумат қўшинлари Ливаннинг бутун территориясида қўзғолончи отрядларга қарши ҳаракатни кучайтириб юборганлар. Операциялар авиация ва танкларнинг ёрдами билан ўтказилмоқда. Бронетанк бўлинмалари Бекаа водиси районида қўзғолончиларга қарши жанг қилдилар.

Мамлакатнинг шимолий районларида Халба шаҳри теварагида қуролли тўқнашувлар давом этди. Жанубий Ливанда ҳам бир қанча тўқнашувлар бўлди.

Кеча Байрутда бир неча бомба портлади. Матбуотнинг берган хабарларидан маълум бўлишича, Ливан маъмурлари билан оппозиция ўртасида компромисга эришиш йўлида сўнгги вақт ичида кўрилган ҳамма чоралар муваффақият топмади. Ливан «Миллий фронт» раҳбари Соиб Салом матбуот вакилларига айтганки, Ливан оппозицияси Комил Шамуннинг республика президенти лавозимидан истеъфо беришини талаб қилиб, бу истеъфони «рўй берган аҳволдан қутилишнинг ягона йўли» деб ҳисобламоқда.

Ироқ ва Иордания қўшинлари Ливанга юборилмоқда

ДАМАШҚ, 6 июнь. (ТАСС). «Аннозир» ва «Алжумҳур» газеталарининг Байрутдан Дамашққа келган ва воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишига қараганда, билдиришларича, Ливанда қўзғолон кўтарган ливан халқини бостиришда қатнашиш учун Иордания ва Ироқ қўшинларини Ливанга юбориш давом этмоқда.

Де Голль Парижга қайтиб келди

ПАРИЖ, 6 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришига қараганда, Франция министрлар советининг раиси генерал де Голль Жазоир бўйлаб қилган уч кунлик саёҳатидан кейин бугун кечқурун Парижга қайтиб келган.

АҚШда «Поларис» баллистик ракетаси муваффақиятсиз учирилди

ПАРИЖ, 7 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Канаверал (Флорида) дан хабар беришича, кеча бу ерда «Поларис» баллистик ракетаси учирилган эди. Ракета тахминан 20 секунд давомида юқорига учиб, сўнгра портлаб кетган.

Мухбирнинг билдиришича, «Поларис» ракетаси сўнгги марта 8 майда синаб кўрилган бўлиб, ўша вақтда бу ракета учирилгандан кейин дарҳол портлаб кетган.

Ўзбекистонда полимерлар институти ташкил этилади

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия фанлари бўлимининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда республикада полимерлар институти ташкил қилиниши муносабати билан олимлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Бу янги илмий муассаса КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига мувофиқ ташкил этилади. Институт республикамизнинг асосий табиий полимерлари ҳисобланган пахта, жут, каноп, ипак ва жун каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамда ана шу маҳсулотлардан тайёрланадиган материалларнинг сифатини яхшилаш масалаларини ўрганади. Шунингдек, институт табиий газ, нефть маҳсулотлари ва кўмирдан синтетик материаллар олиш масалалари билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, институт В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети, Ўрта Осиё политехника институти ва бошқа ташкилотлар томонидан полимерлар соҳасида олиб борилаётган илмий ишларни ҳам координация қилиб туради.

Ўзбекистонда полимерларни ўрганиш бундан 14 йил илгари бошланган эди. Ҳозир химиянинг бу муҳим соҳасидаги проблемалар устида юзга яқин илмий ходим тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Республика фанлар академиясининг полимерлар институтида пахта химияси, целлюлоза толанинг синтези ва полимерлар синтези лабораториялари ташкил қилинади. Бу учта асосий лабораториядан ташқари янги синтетик материалларни тез, аниқ синаб кўриш ҳамда бу материаллардан халқ хўжалигида фойдаланиш йўлларини топиш имконини берадиган физика ва механика лабораторияси ташкил этилади. (ЎзТАГ).



«Ташсельмаш» заводининг комсомол-ёшлари ВЛКСМ 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган ҳаракатга қўшилиб, оширилган мажбурият олдилар. Шу кунларда янги мажбурият асосида ишлаётган ёшлар меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. **Суратда:** йиғув цехининг илғор комсомол-ёшлари (чапдан ўнгга) слесарь **И. Кондаков**, инженер-технолог **Болсуновская**, слесарлардан **А. Ҳасанов** ва **Н. Панов** ўртоқлар.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотоси.

Қишлоқ хўжалиги учун янги кадрлар

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми республикамизнинг колхоз ва совхозлари учун ҳар йили ўрта малакали кадрлар етказиб беради. Бу йил техникумни 88 студент тамомлади. Улардан Т. Орипов, О. Алиева ва Р. Низомиддинова ўртоқлар имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлдилар. Ёш агрономлар ишлаш учун республикамизнинг Тошкент, Андижон, Самарқанд ва бошқа областларига, Қорақалпоғистон АССРга жўнаб кетдилар.

Қ. АХМЕРОВ.

ЁШ РАССОМЛАР ИЖОДИ

Ўзбекистон рассомлар союзининг ёш рассомлар билан ишловчи секцияси шу кунларда ёшлар ўртасида қизғин иш олиб бормоқда. Секция рассомчилик ўқув юртларини тамомлаган ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва уларни кўпроқ ижодий ишга жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир ана шу ёшлар томонидан Ленин комсомолининг шонли 40 йиллигига бағишлаб яратилган асарлар кенг муҳокама қилинаётир.

Яқинда рассомлар ва санъатшунослардан иборат комиссия тошкентлик ёш рассомлар ишлаган тасвирий санъат ва графика асарлари ҳамда театр рассомларининг янги ишларини кўриб чиқди. Булар орасида ёш рассомлардан Ю. Павловнинг «Ленинград пейзажлари серияси», «Чолғучи портрети», В. Плаксиннинг «Каштачи ўзбек қизи портрети», «Гуллар», В. Зорькиннинг «Колхоз бозори», Пушин ва Рахимбобоевларнинг «Ҳайдарнинг йўли» бадиий фильмини безаш учун яратган эскизлари ҳамда бошқа кўпгина асарлар бадиий жиҳатдан пухта ишлангани ва оригиналлиги билан диққатни жалб этади.

О. АПУХТИН.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ



Суратда: Низомий номли Тошкент педагогика институти спорт факультетининг III курс студенти 1-разрядли **Элеонора Кузнецова** гимнастика бўйича машқ қилаётир.

Б. Артёмов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Фарғона шаҳрида хотин-қиз шахматчилар ўртасида республика биринчилиги учун мусобақа бошланди.

Мусобақа қатнашчилари орасида Тошкентдан 1-разрядли Грузинская, Собирова, Ильязова ва Дмитрук ўртоқлар бор. Шунингдек, мусобақада Хоразм, Наманган, Тошкент ва бошқа областлардан келган шахматчилар ҳам қатнашмоқдалар.

Ҳозир мусобақанинг 3 тури ўйналди. Л. Дмитрук (Тошкент) уч очко тўплаб олдинда бормоқда.

БОКС

Тошкент кубоги учун бокс бўйича ўтказилган мусобақа тамом бўлди. «Спартак», «Динамо», «Локомотив», «Меҳнат резервлари» ва бошқа спорт ташкилотларининг ёшлар ҳамда катталар командалари шаҳар физкультура ва спорт комитетининг фахрий мукофоти учун қизғин курашдилар. Ёшлар орасида динамочилар, катталар орасида эса спартакчилар голиб чиқди.

ФЕХТОВАНИЕ

Фехтование бўйича шахсий-команда биринчилиги учун Тошкентда ўтказилган мусобақада Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё областлари, Қорақалпоғистон АССР ва республика пойтахти спортчилари қатнашдилар. Тошкентли фехтовальчилар Л. Яценко, Ю. Попелов, Н. Йўлдошев, Н. Стерликов ва И. Колотилова ўртоқлар 1958 йил республика чемпиони номини олишга муваффақ бўлдилар.

ХУШ ХАБАРЛАР

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент ирригация машинасозлиги заводида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Тушаётган таклифлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилашда муҳим роль ўйнайдиган автоматикани ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш ва технология процессларини соддалаштиришга қаратилгандир. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 30 та таклиф тушди. Шундан 28 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада давлатга бир неча ўн минг сўм фойда келтирилди.

Механика-йиғув цехининг технологи Ф. Курмашев «А — 55» деталининг валини токарлик станогида эмас, пармалаш станогида ишлашни таклиф этди. Бу таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли ҳар йили 9 минг сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинадиган бўлди.

З. АХТЯМОВА.

УЗУМ НАВЛАРИ ҲАҚИДА БРОШЮРА

Ўзбекистонда узумзор боғлар йилсайин ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда республикада 35 минг гектар токзор бор. Соҳибкор боғбонларимиз узумларнинг навини кўпайтириш, ҳосилни ошириш йўлида тинмай иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан яқинда босиб чиқарилган «Узумнинг асосий навлари» номли брошюра боғбонларимизнинг олимлар билан ҳамкорликда ана шу соҳада олиб борган ишларига бағишланган. Брошюра автори — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг корреспондент аъзоси ўртоқ М. Мирзаев Ўзбекистонда ўстириладиган барча ток сортлари тўғрисида маълумот беради. Брошюрани ўқиган ҳаваскор боғбонлар ундан ўзлари учун фойдали йўл-йўриқ оладилар.

К. ОРИФХОНОВ.

ЁШ САНЪАТКОРЛАРНИНГ ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ

Яқинда пойтахтдаги М. Горький номли рус драма театри саҳнасида Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ўзбек актёрлар группасини битирувчи курс студентлари В. Розовнинг «Ҳайрли соатда» пьесасини кўрсатдилар. Бу уларнинг 2-диплом спектаклларидир.

Ўрта мактабни тамомлаган ёшларнинг касб танлаш олий ўқув юртларига кириб ўқиш ва ҳаётда ўз ўринларини топишга интилишларини тасвирловчи бу спектаклни тайёрлашга дипломантлар кўп ижодий меҳнат сарфлатилар.

Спектаклда бош ролларни бўлажак малакали артистлар Э. Каримов, Х. Йўлдошев, Р. Мансурова, Ш. Шокирова ва Х. Икромовлар муваффақият билан ижро этдилар.

Спектаклнинг муваффакиятли чиқишида режиссёр Ю. Н. Пуртов, курс раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Ҳамроев ва саҳна нутқи ўқитувчиси Н. Алиева ўртоқларнинг хизматлари катта.

Институтнинг туркман, тожик группаси студентлари ҳам диплом спектакли устида қунт билан ишлямоқдалар.

Х. ШАРИПОВ.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КОНЦЕРТИ

Мукимий номидаги республика музикали комедия ва драма театрининг ёзлик биносида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг шаҳар кўриги кечаси бўлиб ўтди. Кеча Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маданият бошқармаси, халқ ижодиёти республика уйи ҳамда Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти томонидан уюштирилган эди.

Кечада шаҳар бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективлари кўриги комиссиясининг раиси ўртоқ Донская халқ талантлари шаҳар кўриги якунлари тўғрисида доклад қилди.

Шундан сўнг шаҳар кўриги лауреатлари ижросида катта концерт берилди. Концертда, айниқса, Шумилов номидаги клуб бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг хор коллективи, Киров район Маданият уйи ҳаваскорлари ижро этган номерлар тамошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Кеча охирида энг яхши коллективлар диплом ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

А. АЛИЕВ.

Фан ва техника янгиликлари

СУВОСТИ ФОТОКУЗ



Ўнгдаги суратда торпедога ўхшаш кичик снаряд тасвир этилган. Лекин бу снаряд фақат тинчлик мақсадларига хизмат қилади. Снаряд ичида импульсли лампа, киноаппарат ва кичкина будильник бор.

Бу автоматик фотосъёмка аппарати денгиз балиқчилик хўжалиги ва океанография илмий-текшириш институтининг сувости тадқиқотлар лабораториясида конструкция қилинган. Конструкциянинг авторлари инженер О. А. Соколов ва механик П. В. Егоров (суратдаги) ўртоқлардир.

Снарядни трал билан бирга сувнинг истаган жойига туширишмумкин. Аппарат 750 кадрни суратга олади.

Балиқ сувда қай ҳолда юради, у тралдан қанча тезлик билан узоқлашади, қай томонга нетади? Фотокамера ана шу саволларга тўла жавоб беради.

ҲОДИСА

Савдо ташкилоти машинасидан фойдаланиб

Бекободдаги энергетиклар шаҳарчасига жойлашган «Бекободторг»га қарашли 20-магазиннинг қоровули олдига ярим кечада тўрт номаълум шахс келиб «Сотиладиган арақ борми» деб сўрашди. Қоровул уларга жавоб қилишга улгурмаган ҳам эдики, номаълум шахслардан бири унинг бошига қаттиқ бир нарса билан уради. Қоровул хушдан кетиб йиқилгач, қолган уч киши унинг оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тиқиб, ариққа олиб бориб ташлайдилар. Шундан сўнг дераза ойнасини синдириб, магазин ичига кириб, ёниб турган чироқни ўчирадилар.

Худди шу пайтда шаҳарчала яшовчи 16-автобаза шофери Василий Климентов меҳмонларчиликдан уйига қайтаётган эди. У магазин ичида чироқ ўчганини сезиб қолди. Нарироққа борса, кузовига «автолавка» деб ёзилган машина турибди. Климентов «ярим кечада машина бу ерда нечиз турмаган бўлса керак» деб шубҳаланди ва шу заҳотиёқ ўз қўшнисининг уйидан Бекобод шаҳар милиция бўлимига телефон қилиб, воқеани айтади.

Милиция ходимлари старший лейтенант Бурлимов ва младший лейтенант Ёриқулов энергетиклар шаҳарчасига етиб келганларида ўғрилар магазин молини талаб қочиб кетган эдилар. Милиция ходимлари Климентовдан Бекобод шаҳрида «автолавка» машинаси йўқлигини аниқлаб олгач, ўғрилар машинаси қолдирган изидан Янгиерга қараб йўл оладилар. Янгиерда «автолавка» қурилиш ОРСига қарашли эканлиги аниқланди. Милиция ходимлари гаражга боришди. Машина йўқ. Шофер А. Тўйчиевнинг уйи эса Ховосда экан. Бурлимов ва Ёриқулов шу куни кечасиёқ Ховосга бориб Тўйчиевнинг уйини қидириб топадилар. Машина талқарида турарди. Уй тинтув қилинди. Ёвуз ниятли кишилар магазиндан ўғирланган 51 минг 250 сўмлик мол (олтин соатлар, тайёр кўйлаклар, костюмлар, фотоаппарат ва газламалар)ни Тўйчиевнинг қазногига беркитиб қўйган эканлар.

Тўйчиевнинг шериклари — Янгиердаги 56-автобазанинг шоферлари В. Лудник, Л. Мановский, Р. Маркасян ва ОРС экспедитори С. Николаенколар ҳам тезда қўлга олинди. Ўғрилар ўз қилмишларига иқрор бўлишди. Магазин моллари Бекобод шаҳар савдо бўлимига қайтариб берилди. Савдо ташкилоти машинасидан фойдаланиб, ўғирлик қилган шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.

Колхоз қурилишлари учун

Колхоз қишлоқларини обод қилиш, зарур жамоат бинолари ва уй-жойлар қуришда давлат томонидан бериладиган ссуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўтган йили Тошкент областидаги колхозларга область қишлоқ хўжалик давлат банки томонидан 45 миллион сўмга яқин узоқ муддатли ссуда берилди. Ана шу маблағ ҳисобига қишлоқ хўжалик артелларида механизациялашган чорвачилик бинолари қурилди, қишлоқларга Ильич нурлари келтирилди. Кўплаб ҳашаматли уй-жой бинолари қад кўтарди.

Шунингдек, районларга доимий ишлаш учун кўчиб келган ишчи-хизматчиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун область қишлоқ хўжалик банки 34 миллион сўмга яқин ссуда берди.

Бу йил ҳам область қишлоқ хўжалиги банки колхозларга катта миқдорда ссуда беришни планлаштирган.

Ўзбекистон ёшларининг Венгрияга саёҳати

Областимизнинг комсомол ёшларидан бир группаси яқинда Венгрия Халқ Республикасига жўнаб кетди. Булар орасида Ўзбекистон ЛКСМ Янгийўл район комитетининг секретари Б. Холмирзаев, Бекобод цемент комбинатининг машинисти З. Мусаев, «Ўзбексельмаш» заводининг инженери Л. Брилева ва бошқалар бор.

Тошкентликлар Захонь, Будапешт, Сталинварош, Вишеград, Эстергом, Добочеке шаҳарларида бўладилар, Балатон кўли, Тихань ярим оролини тамоша қиладилар. Шунингдек, улар қардош венгер халқининг фан, маданият ишлаб чиқариш соҳасида эришган ютуқлари билан танишадилар. Саёҳат 11 кун давом этади. Ўзбекистон туристлари тез кунда саёҳат учун Болгарияга ва ГДРга жўнаб кетадилар.

Т. ЗУФАРОВ.

Медицина хизмати яхшиланмоқда

БЎЗАЙ, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Келес массивидаги яйловларда областимизнинг Янгийўл, Чиноз, Октябрь, Калинин ва Тошкент районлари колхозларининг чорва моллари боқилмоқда. Яйловда яшовчи чорвадорларга ва уларнинг болаларига медицина хизмати кўрсатиш вазифаси Тошкент район соғлиқни сақлаш бўлимига юклатилган.

Район соғлиқни сақлаш бўлими коллективи чорвадорларга медицина хизматини ҳар тарафлама яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Ҳозир яйловда иккита касалхона, 5 та фельдшерлик ва акушерлик пункти мунтазам ишлаб турибди. Медицина муассасалари яхши жиҳозланган, тажрибали врачлар билан таъминланган.

Яқинда яйловга врачларнинг бир группаси келди. Улар чорвадорларни медицина кўригидан ўтказдилар, зарур медицина ёрдами бердилар. Шунингдек, ўзбек, қозоқ тилларида медицинага оид темаларда лекциялар ўқилди, оммабоп кинофильмлар кўрсатилди. Чорвадорларга медицина хизмати кўрсатишда врачлардан Салохов, Муродхўжаев, фельдшерлардан Жўраев, Норматов, Шермуҳамедов ўртоқлар намуна бўлмоқдалар.

Бўзайдаги дорихона кенгайтирилади. Бунинг учун кўпхонали янги бино қуриш планлаштирилди ва тегишли маблағ ажратилди.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Тошкент ҳайвонот боғида турли ёш ҳайвонларни қўшиб тарбиялаш тажриба қилинмоқда. Ҳозир айиқ, эчки, шер ва кучук болалари бир қафасда яшамоқдалар. Табиий шароитларда бирбирларига «душман» бўлган бу ҳайвонлар ҳозир иноқ бўлиб яшашга ўрганиб қолишди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, турли ёввойи ҳайвонлар бир ерда яхши боқилса ва тўғри парвариш қилинса, уларнинг турмуш шароити ўзгариб, ваҳшийлик хусусияти йўқолиб борар экан. **Суратда**, ҳайвонот боғининг ходими **Н. Маннанникова** бир қафасда яшаётган шер ва кучук болалари олдида.

М. Турсунхўжаев фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

КЕКСА КИОСКАЧИ

Эрталаб соат еттилар чамаси... Тонгнинг салқин шабадаси кишига ором бахш этади. Трамвай ва пассажир автобуслари кетма-кет ўтиб турибди. Биров ўқиш, биров ишга шошилади. Газета киоскаси олдида турган қотмадан келган, чувак юзли, соч-соқолига оқ оралаган кишилан йўловчилар:

— Газета келгани йўқми? — деб қўярдилар.

— Ҳозир келиб қолади, — жавоб берарди халиги киши, машиналар йўлига тикилиб.

Ана, газета олиб келадиган юк машинаси кўринди. Киоскачининг чеҳраси ёришиб кетди. Газеталарни машинадан тушириб, сотишга тайёрлагунча киоска олдида анчагина одам тўпланиб қолди.

Биров «Қизил Ўзбекистон», биров «Правда Востока», ёки «Ўзбекистон маданияти», «Ёш ленинчи», хуллас ҳар ким ҳар хил газетани сўрайди. Киоскачи чаққон ҳаракат билан ҳар кимга истаган газетасини беради.

— Бугун «Литературная газета» ва «Советская культура» газеталари ҳам бор. Обуна бўлмаган бўлсангиз олинг, — деб эслатиб ҳам қўяди у.

8-трамвайнинг Чорсу остановкасида В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг студентлар ётоқхонаси биноси

қад кўтариб турибди. Ана шу бинонинг чап қанотида газеталар билан савдо қилувчи 18-киоска жойлашган. Биз юқорида тасвирлаган киши — Ваҳоб Ғиёсов шу киоскада ишлайди. Ўртоқ Ғиёсовнинг совет матбуотини тарқатишдек шарафли вазифада ишлай бошлаганига 26 йилдан ошди. У киоскачилик вазифасига ўтмасдан олдин 1925-1930 йилларда «Қизил Ўзбекистон» босмахонасининг хат ташувчиси вазифасини ҳам бажарган.

Ваҳоб Ғиёсов харидорлар билан яхши муомалада бўлади, совет савдоси қоидаларига қатъий амал қилади. У бир кунда 3000 нусха газета сотади. Ойлик савдо оборотини планини доимо ортиғи билан бажаради.

Кекса киоскачи Ғиёсов кўп йиллик ва самарали хизмати давридa бир неча марта «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлими ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг фахрий ёрлиғи ва раҳматномалари билан тақдирланган, пул мукофотлари олган.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Телевизор экранида

8 ИЮНДА

15.00. Бадиий фильм — «Граф харобаларида».

19.30. Бадиий фильм — «Оқ акация».

21.00. Свердлов номидаги концерт залидан «Баҳор» ансамбли ва Ўзбекистон Давлат филармонияси солистларининг концерти олиб кўрсатилади.

9 ИЮНДА.

19.30. Ўзбек тилида «Ҳозирги Шарқ» деган эшиттириш.

20.00 «Театрлар—декадага» циклидан ўзбек тилида адабий-драматик эшиттириш. Ҳамза номидаги театр артистлари ижросида «Янгиер» спектаклидан кўриниш.

20.50. Бадиий фильм — «Ҳақиқат йўли».

Редактор ўринбосари **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 8/VI да **Янгиер**, 10/VI да **Чин муҳаббат.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Штепсель Тарапунькани уйлантиради.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Юрак хотираси.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Штепсель Тарапунькани уйлантиради**, кеч соат 10-15 минутда **Юрак хотираси.**

КАФАНОВ номли, «САЛЮТ» — **Бу беҳудага бўлмаган эди.**

«ХИВА» — **Штепсель Тарапунькани уйлантиради.**

«УДАРНИК» — кеч соат 9 да **Ловийса**, кеч 11 да **Штепсель Тарапунькани уйлантиради.**

Тошкент шаҳар, Шоир кўчаси, 48-а уйда турувчи **Валентина Серафимовна Чернованинг** Куйбишев область, Богатовский район, Виловатое қишлоғида турувчи Николай Никифорович Черновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

МУШТУМ

ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Муштум» журнали 1958 йилнинг 2-ярмидан бошлаб ойига 2 марта чиқади.

Обунангизни 1958 йил охиригача давом эттириш учун, обуна бўлган жойингизда 9 сўмдан қўшимча ҳақ тўлашингиз керак.

«Муштум» журналига обуна қилиш давом этмоқда. Обуна баҳоси: июнь ойидан йил охиригача — 19 сўм 50 тийин, июль ойидан йил охиригача — 18 сўм.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва конторларда, шунингдек корхона, қурилиш, колхоз, совхоз, МТС, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Матбуот тарқатиш бўлими.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06030. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-498.